Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1928 ЙИЛ 11 ДЕКАБРДАН ЧИҚА БОШЛАГАН ● № 68 (8058). 12 апрель, 1983 йил ● СЕШАНБА ● Баҳоси 3 тийин

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ ВА СССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИДА

1983—1990 ЙИЛЛАРДА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ МАШИНА—УСКУНАЛАРИНИНГ ТЕХНИК ДАРАЖАСИНИ ВА СИФАТИНИ ЯНАДА ОШИРИШ, УЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШНИ ЯХШИЛАШ, ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ВА ЕТКАЗИБ БЕРИШНИ КЎПАЙТИРИШ ЧОРАЛАРИ ТЎҒРИСИДА

КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Совети партия XXVI съезди, КПСС Марказий Комитетининг 1982 йил май ва ноябрь Пленумлари белгилаган вазифаларни назарда тутиб «1983—1990 йилларда қишлоқ хўжалиги машина-ускуналарининг техник даражасини ва сифатини янада ошириш, улардан фойдаланишни яхшилаш, ишлаб чиқариш ва етказиб беришни кўпайтириш чоралари тўғрисида» қарор қабул қилдилар.

Қарорда қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини юксак самарали техника билан қайта ускуналаш СССР Озиқ-овқат программасини бажаришнинг жуда муҳим шарти эканлиги уқтириб ўтилади.

КПСС Марказий Комитетининг 1965 йил март Пленумидан кейинги даврда колхоз ва совхозларга машиналар юбориш анча кўпайди, машина-трактор паркининг состави сифат жиҳатидан янгиланди, қишлоқ хўжалик меҳнатининг энергия билан таъминланиши уч баравардан знёд оширилди.

Шу билан бирга қишлоқ хўжалиги учун ишлаб чиқарилаётган баъзи машиналар ва ускуналар замонавий талабларга ҳали тўла мувофиқ даражада эмас. Хўжаликларда машиналардан фойдаланишда жиддий камчиликлар бор.

КПСС Марказий Комитети билан СССР Министрлар Совети Трактор ва қишлоқ хўжалик машинасозлиги министрлигининг, Чорвачилик ва озуқа тайёрлаш машинасозлиги министрлигининг, қишлоқ хўжалиги учун машиналар ва ускуналар ишлаб чиқарувчи СССР министрликлари ва идораларининг 1983—1990 йилларда бундай машиналар техник даражаси ва сифатини ошириш, уларни ишлаб чиқариш ва етказиб беришни кўпайтириш борасидаги вазифаларини белгилаб берди. Шу министрликлар ва идоралар зиммасига:

1983—1985 йиллар сифат жиҳатидан янги машиналар яратиш ва уларни ишлаб чиқаришни ўзлаштириш йўли билан деталь ва узелларнинг пухталиги ва хизмат муддатини, иш унумини, баравар пишиқлигини оширишни, материал сарфи ва энергия истеъмолини камайтириш ҳамда ремонтга яроқлигини яхшилашни назарда тутиб, шунингдек ишлаб чиқарилаётган машина-ускуналарни модернизация қилиш ҳисобига машиналар ва ускуналарнинг техник-иқтисодий кўрсаткичларини анча яхшилаш;

1986—1990 йилларда қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини асосан комплекс механизациялашни тугаллаш учун зарур бўлган, шунингдек қишлоқ хўжалигидаги ишларни энг мақбул агротехник муддатларда ўтказишга ва меҳнат сарфини кескин қисқартиришга имкон берадиган номенклатура, туркум ва миқдорда машиналар ва ускуналарнинг техник даражасини ва уларни қишлоқ хўжалигига етказиб беришни янада кўпайтиришни таъминлаш;

1983—1990 йилларда асосий ва ёрдамчи ишларни комплекс механизациялашни, индустриал технологиялар жорий этишни, қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг нобудгарчилигини мумкин қадар камайтиришни таъминлайдиган машина системаларини ва комплектларни ҳамда технологик линияларни ишлаб чиқариш ва уларни етказиб беришга планли равишда ўтиш;

1983—1990 йилларда трактор ва қишлоқ хўжалик машинасозлигида ҳамда чорвачилик ва озуқа тайёрлаш машинасозлигида «қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини комплекс механизациялашга мўлжалланган машиналар системаси»га мувофиқ янги ва модернизация қилинган серунум техника конструкциялари ишлаб чиқилишини таъминлаш ва уларни ишлаб чиқаришни ўзлаштириш вазифаси топширилди.

Трактор ва қишлоқ хўжалик машинасозлиги ҳамда Чорвачилик ва озуқа ишлаб чиқариш машинасозлиги министрликларининг корхоналарида ишлаб чиқариладиган маҳсулотнинг сифатини бошқариш системаларини такомиллаштириш ва прогрессив технологияни ишлаб чиқаришга жорий этиш юзасидан асосий тадбирлар кўзда тутилган. Олий сифат категориясидаги маҳсулот ишлаб чиқаришни анча кўпайтириш, шунингдек қўл меҳнатини бирмунча камайтиришга имкон берадиган прогрессив механизациялаш воситалари, қайта созланадиган автомат линияларни, саноат роботларини, типовой технологик ускуналарни кенг кўламда қўллаш борасидаги топшириқлар белгилаб берилган.

КПСС Марказий Комитети билан СССР Министрлар Совети 1983—1990 йилларда трактор ва қишлоқ хўжалик машинасозлиги ҳамда чорвачилик ва озуқа ишлаб чиқариш машинасозлигида қишлоқ хўжалигининг юксак техникавий даражадаги ва сифатдаги машиналар ва ускуналарга бўлган эҳтиёжларини қондиришини гарантиялайдиган ишлаб чиқариш потенциали яратишни зарур деб топдилар. 1986—1990 йилларда машина ва ускуналар, қуймалар, иссиқлайин штампланган маҳсулотлар ва металл порошоклардан ясалган маҳсулотлар тайёрлайдиган ишлаб чиқариш қувватларини ишга тушириш юзасидан топшириқлар белгилаб берилди. Шу мақсадлар учун Трактор ва қишлоқ хўжалик машинасозлиги министрлиги билан Чорвачилик ва озуқа ишлаб чиқариш машинасозлиги министрлиги капитал маблағларининг зарур лимитларини ажратиш кўзда тутилади. Қувватлар яратишни тезлатиш учун ўн биринчи беш йилликнинг қолган даврида 1984—1985 йилларга мўлжалланган капитал маблағларнинг лимитлари орттирилди.

СССР Саноат қурилиши министрлиги, СССР Оғир индустрия корхоналари қурилиши министрлиги, СССР Қурилиш министрлиги, СССР Энергетика ва электрлаштириш министрлиги, Узоқ Шарқ ва Забайкалье районларида Қурилиш министрлиги, СССР Қишлоқ қурилиши министрлиги, Нефть ва газ саноати корхоналарини қуриш министрлиги, Ўрта машинасозлик министрлиги ва Москва область ижроия комитети ҳузуридаги Главмособльстрой қишлоқ хўжалик машинасозлигининг реконструкция этилаётган корхоналари ва янги қурилишларида ишлаб чиқариш қувватлари ишга солинишини таъминлашлари керак. Станоксозлик ва инструментал саноат министрлигига, Химия ва нефть машинасозлиги министрлигига ҳамда Электротехника саноати министрлигига бунинг учун зарур технологик машина-ускуналарни тайёрлаб бериш вазифаси топширилди.

Юқори сифатли қишлоқ хўжалик техникасини ишлаб чиқариш учун материал ва комплектловчи буюмлар сифатининг юксак бўлиши ниҳоятда муҳим аҳамиятга эга эканлигини эътиборга олиб, КПСС Марказий Комитети билан СССР Министрлар Совети СССР Қора металлургия министрлиги, СССР Рангли металлургия министрлиги, СССР Нефтни қайта ишлаш ва нефть химияси саноати министрлиги, СССР химия саноати министрлиги, Енгил саноат министрлиги, Енгил ва озиқ-овқат саноати машинасозлиги ва рўзғор асбоблари министрлиги, Станоксозлик ва инструментал саноат министрлиги, Электротехника саноати министрлиги, Автомобиль саноати министрлиги, Электрон саноати министрлиги, Приборсозлик, автоматлаш воситалари ва бошқариш системалари министрлиги, Авиация саноати министрлиги, Химия ва нефть машинасозлиги министрлиги, СССР Нефть маҳсулотлари билан таъминлаш давлат комитети, Қурилиш, йўл ва коммунал машинасозлик министрлиги ҳамда Алоқа воситалари саноати министрлиги зиммасига 1984—1990 йилларда прогрессив материал турлари ва комплектловчи маҳсулотлар тайёрлаб уларни Трактор ва қишлоқ хўжалик машинасозлиги министрлиги билан Чорвачилик ва озуқа ишлаб чиқариш машинасозлиги министрлигига етказиб бериш вазифаси юкланди.

СССР Госснабига, металл, материал, ёқилғи, газ, нефть маҳсулотлари ва комплектловчи маҳсулотлар етказиб берувчи СССР министрликлари ва идораларига план бажарилиш даражасидан қатъи назар берилган нарядларга мувофиқ шу маҳсулотларни биринчи навбатда қишлоқ хўжалик машиналарига, илмий-тадқиқот, конструкторлик, лойиҳа-конструкторлик ташкилотлари ва технология ташкилотларининг иш самарадорлигини ошириш борасидаги чоралар комплексини тасдиқлади. Бу ташкилотлар структурасини такомиллаштириш, фан билан ишлаб чиқариш интеграциясини тезлатиш, автоматлаш воситалари ва автоматлашган лойиҳалаш системаларини жорий этиш, шу ташкилотлар, ишлаб чиқариш бирлашмалари ва корхоналари раҳбарларининг тармоқлардаги техник сиёсатни белгилаш, тадқиқот, ечимлар сифати ва уларни ишлаб чиқаришга жорий этиш учун масъулиятини ошириш кўзда тутилган. Илмий-тадқиқот, технология ва лойиҳа-конструкторлик ташкилотлари эксперименталь базаларини қуриш ва реконструкция этиш борасидаги топшириқлар белгилаб берилди.

Қишлоқ хўжалиги машиналарини ишлатиш пухталигини ва узоқ муддатга чидамлилигини ошириш Трактор ва қишлоқ хўжалик машинасозлиги министрлиги ҳамда Чорвачилик ва озуқа ишлаб чиқариш машинасозлиги министрлигининг асосий вазифаларидан бири эканлиги қарорда таъкидлаб ўтилган. Шу министрликларнин

ИШОНАМИЗ, ТЕКШИРИБ ҲАМ КЎРАМИЗ

КПСС Марказий Комитетининг 1982 йил ноябрь Пленуми қарорларида партия, давлат ва меҳнат интизомини мустаҳкамлаш — ўн биринчи беш йилликнинг ҳал қилувчи учинчи йили топшириқларини ошириб бажаришнинг ишончли гарови эканлиги алоҳида кўрсатилди. Пискент районида бу соҳада қандай тадбирлар амалга оширилмоқда! Бу ҳақда район партия комитетининг биринчи секретари У. Я. БАҲОДИРОВ шундай ҳикоя қилади:

— Кейинги йилларда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштиришни кўпайтириш, айниқса, пахтачиликни ривожлантиришда бирмунча ютуқлар қўлга киритилди. Районимиз ўтган йил якунига кўра, қишлоқ хўжалик техникасидан фойдаланишда юқори кўрсаткичларга эришганлиги учун СССР Министрлар Совети ва ВЦСПСнинг кўчма Қизил байроғини олишга сазовор бўлди. Лекин қишлоқ хўжалигида ҳали фойдаланилмаётган кўпгина резервлар бор. Свердлов номли, «Гулистон» колхозларининг илғор тажрибаси ана шундан далолат бериб турибди. Масалан, Свердлов номли колхозда кейинги 5—6 йил ичида ялпи пахта ҳосили анча кўпайиб, 7 минг тоннага етди. Ўтган йили 1700 гектар пахта майдонининг ҳар гектаридан 41,5 центнердан ҳосил олинди. 15 та бригадада ҳосилдорлик 40 центнердан ошди. Малик Ражабов, Деҳқон Гулматов, Ўринбой Холматов ўртоқлар бошлиқ бригадаларда ҳосилдорлик гектар бошига 48—51 центнерни ташкил этди. Ажойиб ташкилотчи, меҳрибон устоз ва мураббий, ишлаб чиқаришнинг моҳир жонкуяри, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган қишлоқ хўжалиги ходими Ислитдин Ҳайдаров раислик қилаётган «Гулистон» колхозида ҳосилдорлик 39 центнердан ошиб кетди. Хўжаликнинг Баратали Мадалиев, Анорқул Умрқулов, Рустам Раҳмонов ўртоқлар бошлиқ бригадаларида ҳар йили 45—47 центнердан хирмон кўтарилмоқда. Бунга давлат ва меҳнат интизомига қатъий риоя қилинаётганлиги, кадрларнинг масъулияти оширилганлиги ва деҳқончилик маданияти юксалиб бораётганлиги туфайли эришилмоқда.

Юқорида резервлар кўп дегандик. Буларни кўриб чиқайлик. Ўтган йили райондаги 2 та хўжалик пахта етиштиришда 1981 йил даражасида қолди. «Пискент» совхози, Охунбобоев номли, Тельман номли колхозлар ҳам бироз орқага чекиндилар. 34 та пахтачилик бригадасида ҳосилдорлик 30 центнердан, 11 бригадада эса 25 центнердан кам бўлди. Булар районнинг ўртача кўрсаткичидан паст, албатта. Биз эскича услуб билан ишлашни хуш кўрадиган, топшириқ масъулиятини яхши ҳис қилмаётган ва шу туфайли камчиликларга йўл қўйган кадрлар билан яккама-якка суҳбат ўтказиб, нуқсонларнинг

РАЙКОМ ВА КАДРЛАР

келиб чиқиши сабабларини аниқлашга алоҳида аҳамият бермоқдамиз.

Маълум бўлдики, кўпгина камчиликларнинг олдини олиш мумкин экан. Биз буни коммунистлар ва барча меҳнаткашларга тушунтирдик. Зотан, кадр танлаш, улар билан қунт қилиб ишлаш ютуқларни кўпайтиришнинг муҳим омилидир. Биронта жиддий сабабсиз улар алмаштирилмайди. Бу район партия комитети иш услубининг муҳим жиҳатидир. Партия ташкилотлари бу масалага катта аҳамият бермоқдалар. Кадрларга бўлган ишонч талабчанлик билан уйғунлашган ҳолда йўлга қўйилади. Бироқ, интизомни мустаҳкамлаш, ишчанлик ҳислатларини шакллантиришда бу усуллар кор қилмаса албатта, тегишли чора кўришга ҳам тўғри келади. 1982 йилда «Пискент» совхозининг учинчи бўлимидаги 9 та бригададан 3 тасида план бажарилмади. Бу, албатта, совхоз кўрсаткичларига салбий таъсир кўрсатди. Биз бўлим бошқарувчиси А. Омонтоев билан бир неча бор суҳбат ўтказиб, камчиликларни тузатиш йўллари ҳақида маслаҳатлашдик. Ҳар гал ўз айбини тан олиб, аҳволни яхшилаш ҳақида қуюқ-қуюқ ваъдалар берди. Биз ишондик, умид қилдик. Амалий ёрдамни ҳам аямадик. Лекин афсуски, А. Омонтоевнинг ваъдаси ваъдалигича қолаверди. Ишда ўзгариш бўлмади. Шундан сўнггина биз уни алмаштиришга мажбур бўлдик.

Барча бошланғич партия ташкилотлари кадрларда юксак масъулият ҳиссини тарбиялаш, давлат ва меҳнат интизомини янада мустаҳкамлашда бошланғич партия ташкилотлари, касаба союз, комсомол ташкилотлари ва жамоатчиликнинг роли каттадир. Улар хўжаликларда ишнинг боришини сезгирлик билан кузатиб туришлари, эришилган ютуқларни танқидий нуқтан-назардан таҳлил қилишлари, меҳнат унумдорлигининг юқори бўлишини таъминлаб, ташаббуслар, ватанпарварлик ҳаракатларини ўз вақтида қўллаб-қувватлаб, уни омма ўртасида кенг ёйишга эътибор беришлари керак. Бу соҳада Свердлов номли, «Гулистон», «Ўзбекистон ССР 50 йиллиги» колхозлари партия ташкилотлари фаолияти, айниқса диққатга сазовордир. Шунинг учун ҳам бу хўжаликларда дала ишларини ташкил этиш, ишчи кучлари ва меҳнат ресурсларидан фойдаланишда доимо яхши натижаларга эришилади. Районимиз меҳнаткашлари беш йилликнинг ҳал қилувчи учинчи йили учун ўз зиммаларига юксак мажбуриятлар олганлар. Биз бу йил давлатга камида 55 минг тонна «оқ олтин»ни сотамиз. Ҳозирги кунда асосий эътибор ҳар бир хўжаликда ишни область пахтакорлар Советининг тавсиялари асосида ташкил этишга, чигитни ернинг табиий нами ҳисобига бир текис ундириб олишга қаратилган. СССРнинг Озиқ-овқат программасига қўшадиган ҳиссамизнинг салмоғини оширамиз. Лалмикор ва суғориладиган майдонларда 17 минг 820 тонна ғалла, шу жумладан 12 минг тонна маккажўхори дони, шунингдек кўплаб сабзавот, мева, узум, чорвачилик маҳсулотлари етказилади.

БУГУН—КОСМОНАВТИКА КУНИ

ГАГАРИН ХОНАДОНИДА

Ҳар йили авжи баҳор кезларида СССР космонавт-учувчиларидан бир гуруҳи Смоленск областига келишади. Уларнинг бу ерда СССРнинг биринчи космонавт — учувчиси Юрий Алексеевич Гагарин хонадонида бўлишлари, космонавтнинг онаси Анна Тимофеевна билан суҳбатлашишлари, областда ўтказиладиган гагаринхонликда иштирок этишлари яхши анъанага айланиб қолган. Бу йилги Космонавтика куни арафасида СССР космонавт-учувчиларидан Ю. В. Малишев, А. А. Леонов, В. А. Жонибековлар биринчи космонавтнинг она юртига келишди.

Суратда: Анна Тимофеевна Гагарина ва унинг қизи Зоя космонавтлар (чапдан) Ю. Малишев, А. Леонов, В. Жонибековлар билан.

(ТАСС фотохроникаси).

КОИНОТ СИРЛАРИ ОЧИЛМОҚДА

Ер атрофи орбитасидан юборилаётган маълумотлар ёрдамида муваффақиятли ҳал этилаётган халқ хўжалиги вазифалари доираси йил сайин кенгайиб бормоқда. Космосдан туриб кузатишлар олиб бориш биолог ва метеорологлар, ғаллакорлар, ўрмончилар, балиқчиларнинг фаолиятига тобора кўпроқ кириб бормоқда. Бугунги кунда мамлакатнинг юзлаб ташкилотлари космик съемка маълумотларидан фойдаланмоқда.

Космонавтика куни арафасида ТАСС мухбирлари космос халқ хўжалигининг фаровонлигига хизмат этаётган лабораториялар ва ишлаб чиқариш марказларидан олинган янгиликлар тўғрисида ҳикоя қиладилар.

Красноярсклик олимлар ўт тушган районларни топишда Ер юзининг йўлдошлар орқали олинган фотосуратларидан фойдаланаяптилар. Ишнинг массивларни белгилаш ва бу массивларда ёнғинни кузатиш пунктларини жойлаштиришдан иборат биринчи босқичи тугалланди. Эндиликда ўрмон ва ёғоч институтининг олимлари Большая мурта ўрмон саноат хўжалигининг ходимлари билан бирга «прогноз» системасини амалга оширишга тайёргарлик кўрмоқдалар.

Ёнғинни эрта пайқаш методининг автори П. Цветков билан мутахассислар орбитадан олинган ахборот асосида танланган районга келдик. Қурувчилар бу ерда дастлабки вишкаларни монтаж қилишаётганди.

— Ҳозирча бешта шундай иншоот қурамиз, — деди олим. — Уларнинг тепасида айланма кузатадиган телевизион камералар жойлаштирилади. Шундай қилиб, оператор бошқариш пультидан нари кетмагани ҳолда минглаб гектар тайгани кўздан кечиради ва ёнғин чиққан жойларга десант группаларини чаққон юборади. Ўтга қарши кураш туб стратегияси — уни иложи борича барвақт космосдан туриб пайқаш ва энг яхши ўчириш вариантини танлаш системаси шундан иборатдир.

«Прогноз» системасини қўллаш куч ва воситаларни зарур жойларга йиғишга имкон беради.

Олимлар қилган ишларини шу ёз ўт ўчирувчилар қўлига берадилар, энди уларнинг лабораторияси столларида янги карталар пайдо бўлди. Навбатдаги иш ўрмонзорларда зараркунандалар ва касалликларнинг қанча эканлигини прогноз қилишда аэрокосмик информациядан фойдаланишни мақсад қилиб қўйди.

Ю. ХОЦ,
ТАСС мухбири.

● Шу кунларда К. Э. Циолковский номидаги Калуга давлат космонавтика тарихи музейи ҳар қачонгидан ҳам гавжум. Бу ердаги экспонатлар мамлакатимизда коинот кенгликларини тадқиқ қилиш тарихидан ҳикоя қилади.

Суратда: музейнинг К. Э. Циолковский ҳаёти ва ўлмас ғоялари ҳақида ҳикоя қилувчи залида.

(ТАСС фотохроникаси).

ЛЕКТОРЛАР ДЕҲҚОНЛАР ҲУЗУРИДА

Область партия комитети ва «Билим» жамияти область ташкилоти томонидан ташкил этилган лекторлар группаси Оққўрғон райони хўжаликларида бўлдилар. 25 нафар лектор райондаги Охунбобоев номли, «Коммунизм», Навоий номли колхозлар, С. Сегизбоев номли совхоз ва бошқа хўжаликларда бўлиб, КПСС Марказий Комитетининг май ва ноябрь (1982 йил) Пленумлари материаллари, КПСС Марказий Комитетининг «РСДРП иккинчи съездининг 80 йиллиги тўғрисида»ги қарори ва бошқа мавзуларда лекция ва суҳбатлар ўтказди.

Қишлоқ меҳнаткашларига олимлардан К. Толипов, Н. Қорнева, С. Нозимова, Р. Асқархўжаева ва бошқаларнинг суҳбатлари, айниқса, манзур бўлди.

П. ЭРГАШЕВ.

ОБЛАСТЬ КАСАБА СОЮЗЛАРИ СОВЕТИДА

ХЎЖАЛИК ҲИСОБИ КЕНГ ОММАЛАШСИН

Тошкент область касаба союзлари Совети президиумининг навбатдаги мажлисида қурилиш ташкилотлари ва бинокорлик материаллари корхоналарида меҳнатни ташкил этиш ва рағбатлантиришнинг бригада формаси шароитида касаба союз группаларидаги олиб бораётган тарбиявий ишлар самарадорлигини ошириш билан боғлиқ масалалар атрофлича муҳокама қилинди.

Қурилиш ва бинокорлик материаллари саноати ишчилари область касаба союз комитети тармоқ корхоналари ва ташкилотларидаги касаба союз группалари олиб бораётган маданий-тарбиявий ишларни кучайтириш юзасидан зарур тадбирларни кўрмоқда. Комитет мажлисларида бу масала мунтазам муҳокама қилиб борилияпти, йиғилишлар, слётлар ўтказиляпти. Жумладан, бригадирлар ва касаба союз группаларидаги ташкилотчилари слётида 159-қурилиш трестига қарашли 9-бошқарманинг Р. Ғайнуллин бошлиқ бригадаси касаба союз группаси тажрибаси кенг оммалаштирилди.

1980 йилда тармоқда бригада пудрати усулида 818 та коллектив меҳнат қилган эди. Ўтган йили улар сони 959 тага етди. Бу коллективларга 17200 дан ортиқ ишчи бирлашган. Бу йил бригада пудрати усулида ишлаётган коллективлар яна ҳам кўпаймоқда.

Президиум мажлисида касаба союз группалари олиб бораётган ишлар муносиб баҳоланган ҳолда бир қатор фойдали тавсиялар ҳам берилди. «Узбекметаллургстрой», «Алмаликсвинецстрой» трестлари, Бекобод цемент комбинати, Оҳангарондаги «Сантехлит» заводи каби корхоналарда оммавий-сиёсий ишлар ҳали талаб даражасида эмас. Метод Советлари, мураббийлик Советлари активлиги сезилмаяпти. Ишчиларнинг маданий ҳордиқ чиқариши ва унумли меҳнат қилишлари устида етарлича қайғурилмаяпти. Йиғилишда бу нуқсонларни бартараф этишга қўмаклашувчи тадбирлар ишлаб чиқилди.

●

ҲАР БИР ТУРАР-ЖОЙГА—СПОРТ МАЙДОНЧАСИ

Маҳаллий саноат ва коммунал-маиший хизмат корхоналарига қарашли уй-жой бошқармалари физкультура ва спортни оммалаштиришга жиддий эътибор бермоқдалар. Ҳозир кўпгина турар-жойларда ҳовли ва кўча командалари тузилган. Корхона, муассаса ва турар-жой ташкилотларида ишлаб чиқариш гимнастикаси ўтказувчи 44 инструктор, 6 тренер, 94 ташкилотчи педагог, 3600 дан ортиқ жамоатчи инструкторлар қизғин фаолият кўрсатмоқдалар. Улар турар жойларда план асосида оммавий физкультура ишларини ҳам олиб бормоқдалар.

Маҳаллий-саноат ва коммунал маиший хизмат корхоналари ходимлари область касаба союз комитети турар жойлардан фойдаланиш идоралари ва уй бошқармаларида махсус спорт майдонлари бўлиши устида алоҳида қайғураяпти. Ҳозирги кунда ҳовлиларда 1500 дан ортиқ спорт майдончаси, 350 га яқин сузиш ҳавзаси ташкил қилинган. Ўтган йили уй-жойларни оталиққа олган ташкилотлар 120 та соғломлаштириш шаҳарчаси қуриб бердилар. Жойларда 75 та болалар клуби ташкил этилди. Айниқса, Собир Раҳимов, Куйбишев районларида, Ангрен, Чирчиқ шаҳарларида бу иш яхши йўлга қўйилди.

Область касаба союзлари Совети президиуми мажлисида турар жойларда оммавий физкультура ва спорт ишларини янада ривожлантириш зарурлиги алоҳида уқтирилди. Тошкентдаги кўпгина турар-жойлардан фойдаланиш идоралари бу масалага етарлича эътибор бермаяптилар. Бекобод, Пискент, Паркент районлари турар-жой ташкилотларида физкультура ва спорт бўйича жамоатчи советлар тузилмаган. Ҳамма жойда жисмоний тарбия ишларини жонлантириш касаба союз ташкилотларининг жонажон ишига айланиши керак.

●

ЖАМОАТЧИЛАР ТАҚДИРЛАНДИ

Ҳозир ҳамма корхоналарда касаба союз комитетларининг жамоатчилик назорати комиссияси қизғин фаолият кўрсатяпти. Комиссия аъзолари савдо ва умумий овқатланиш корхоналари ишини яхшилашда, йўл қўйилаётган нуқсонларни бартараф этишда актив қатнашишяпти.

Область касаба союзлари Совети савдо ва умумий овқатланиш корхоналари ишини назорат қилувчи жамоатчилик комиссияси аъзоларидан бир группасини яқинда Фахрий ёрлиқлар ва пул мукофотлари билан тақдирлади. Мукофотланганлар орасида «Компрессор» заводи касаба союз комитети жамоатчилик назорати комиссияси раиси К. Мухиддинов, Тошкент асбобсозлик заводи касаба союз комитети жамоатчилик назорати комиссияси раиси А. Рўзиев, «Миконд» заводи касаба союз комитети жамоатчилик назорати комиссияси раисининг ўринбосари Т. И. Смиляева ва бошқа ўртоқлар бор.

16 АПРЕЛЬ — БУТУНИТТИФОҚ КОММУНИСТИК ШАНБАЛИГИ

ҚЎШИМЧА ПЛИТАЛАР

● АНГРЕН керамика комбинатининг ишчи-хизматчилари 16 апрель куни В. И. Ленин туғилган кунининг 113 йиллигига бағишлаб ўтказиладиган Бутуниттифоқ коммунистик шанбалигига пухта ҳозирлик кўрмоқдалар. Айниқса, корхонанинг йирик ҳажмдаги сайқал плиталари тайёрлаш цехи ишчилари бу шонли санага алоҳида ҳозирлик кўришяпти. Қизил шанбалик куни цех коллективи пландан ташқари 500 квадрат метр сайқал плиталари тайёрлайди. Шу куни жами 1775 сўмлик маҳсулотлар ишлаб чиқарилади.

Йирик ҳажмдаги плиталар тайёрлаш цехи ишга туширилгандан бери унинг қуввати йилига 70—75 минг квадрат метр плита тайёрлаган ошмас эди. Шанбаликка тайёргарликни кучайтириш орқали цех ишчилари 1 апрелда 140 минг квадрат метрлик маҳсулотни забт этиш имконини берадиган қувватга эришдилар. Бу эса шанбаликка ҳозирлик кўриш тадбирларида белгиланган муҳим вазифалардан бири эди.

А. МИРАЛИМОВ.

В. И. Ленин Марказий музейининг Тошкент филиалига қиравершда ўрнатилган электрон рўйҳатчи етти миллионга яқин зиёратчи келганини кўрсатиб турибди. Бу ерга тошкентликлар ҳам, Ўзбекистоннинг турли бўрчакларидан ва қардош республикалардан келган кишилар, чет эллик меҳмонлар кети узилмай келиб турибди. Шу кунларда — Совет Иттифоқи Коммунистик партияси билан дунёда биринчи социалистик давлатнинг асосчиси туғилган кунининг 113 йиллиги арафасида бу ерга келувчилар оқими, айниқса, кучайди. Уч мингдан кўпроқ экспонат, кўрик программасига киритилган телекўрсатувлар ва киноленталар музей кўргазмасига қўйилган бўлиб, улар К. Маркс билан Ф. Энгельс улуғ ишининг издоши ва давомчиси, доҳий, мутафаккир Владимир Ильич Ленининг баҳодирона назарий ва амалий фаолияти билан чуқурроқ танишиш, мамлакатимизнинг Ленин йўлидан босиб ўтган ҳамма босқичларини тўлиқроқ тасаввур этиш имконини беради.

Томошабинлар РСДРПнинг иккинчи съезди тўғрисида ҳикоя қилувчи стендлар ёнида узоқ вақт тўхталиб қоладилар. Шу съездда большевиклар партияси тузилган ва Россиядаги революцион марксистик ташкилотларни Ильич ишлаб чиққан ғоявий, сиёсий ва ташкилий принциплар асосида бирлаштириш жараёни ниҳоясига етказилган эди. Улар янги типдаги партия — ишчилар синфининг партияси, илмий коммунизм партиясини ташкил этиш учун қизғин кураш билан ўтган съезднинг муҳитини акс эттирувчи ҳужжатларнинг фотонусхаларини қизиқиб кўздан кечирадилар. Ленин нутқлари ва мақолаларининг қўлёзмалари, партия программасининг дастлабки нашрлари шу ерга қўйилган. В. И. Ленининг съездда нутқ сўзлаб турган пайти катта расмда тасвирланган.

Туркистон ўлкасида пролетариат пайдо бўлгач, марксизмни оммалаштириш, социал-демократик ҳаракатнинг вужудга келиши учун объектив шарт-шароитлар қандай рўёбга келганлигини экспозицияларда кўрсатиб бериш учун музейнинг илмий ходимлари кўп меҳнат сарфладилар. Илмий изланиш туфайли РСДРПнинг иккинчи съездига тайёргарлик кўришда катта роль ўйнаган Ленининг «Искра» газетаси нусхалари Тошкентга ва ўлканинг бошқа шаҳарларига етиб келганлигидан дарак берувчи ҳужжатлар кўргазмага киритилди. «Искра» газетасини ва бошқа яширин адабиётларни тарқатиб юрган бир гуруҳ босмахона ишчиларининг революцион фаолияти тўғрисидаги маълумотномалар ва хатлар подшо махфий полицияси архивларидан топиб олинганлиги шундан далолат беради. Сиёсий важлар билан сургун қилинган кишилар теварагида жипслашган тошкентлик социал-демократлар «Искра» билан алоқа боғлашга интилганлар, унинг редакциясига хат ва хабарлар юбориб турганлар. Ленинчи «Искра» 1903 йил 15 майда Оренбург—Тошкент темир йўли қурилиши ҳақида мақола эълон қилди, унда капиталистик зулмнинг нақадар машаққатли эканлиги кўрсатиб берилди.

«ИСКРА»НИНГ ТОШКЕНТДАГИ НУСХАЛАРИ

РСДРП II СЪЕЗДИНИНГ 80 ЙИЛЛИГИ ОЛДИДАН

РСДРП Марказий Комитетининг 1903 йил октябрда нашр этилган «РСДРПнинг навбатдаги иккинчи съезди тўғрисидаги ахборот» стендлардан бирига қўйилган. Унинг ёнида судлов палатасининг прокурорига етказилган маълумотномага кўзингиз тушади. Шу маълумотнома Тошкентда яширин шароитда иш олиб бораётган кишилар ишчиларни съезд қарорлари билан, Ленин йўл-йўриқлари билан таништириш соҳасида қилган ишларини тасдиқлайди. Подшоҳ айғоқчилари ахборот тексти ёзилган бир неча варақани топишга муваффақ бўлганлар. Жандармлар съезднинг овозини бўғишга қанчалик уринмасинлар, бунинг уддасидан чиқа олмаганлар. Унинг қарорлари тўғрисидаги хушхабар кенг оммага етиб борган, Тошкентдаги, ўлканинг бошқа шаҳарларидаги яширин тўгаракларда иккинчи съезд материаллари, марксча-ленинча адабиёт ўрганилди.

Ленинчи партиянинг тузилиши мамлакатнинг индустриал марказларидагина эмас, Туркистон ўлкасида ҳам революцион ҳаракатнинг ўсишига кўмаклашди. Суронли 1905 йилда ишчилар синфи ва солдатларнинг жанговар ғалаёнлари харитаси кўргазмага қўйилганлиги бунинг далилидир. Тошкент ва Самарқанд доира ичига олиб қўйилган, бу белгилар мазкур шаҳарларда иш кўрган стачка комитетлари ишчи депутатлари Советлари ролини бажарганини кўрсатади. РСДРП Тошкент группасининг органи — яширин шароитда 1905 йил сентябрда чиқарилган «Рабочий» газетасининг бир сони кўргазмага қўйилган. Самарқанд партия группасининг «Самарқанд» газетаси, Тошкентда нашр этилган «Солдатский листок — правда» газетаси ҳам шу ерда. Мана, РСДРП Тошкент группасининг 1906 йил февраль санаси қўйилган варақаси. Унинг охиридаги: «Подшонинг ўзбошимчалиги тугатилсин — яшасин халқ ҳокимияти! Яшасин Россия социал-демократик ишчи партияси! Яшасин социализм!» сўзлари даъваткор янграйди.

Экскурсоводлар Ленин партиясининг ўз тарихий иккинчи съездидан кейин босиб ўтган йўли ҳақида, улуғ ленинча ғояларнинг тантанаси ҳақида стендлар орқали ҳикоя қиладилар. Барча совет кишиларининг ютуқлари, шу жумладан, Ленин васиятларини, партия XXVI съезди, КПСС Марказий Комитети Пленумлари қарорларини сабот билан амалга ошираётган Ўзбекистон меҳнаткашларининг муваффақиятлари экспонатларда яққол тасвирланган.

Тошкент музейини Ленин дорулфунуни дейдилар. Марксизм-ленинизм мактабларининг машғулотлари, юқори синфларнинг ва ҳунар-техника билим юртларининг ўқувчилари учун тарих дарслари, студентларнинг семинарларини унинг стендлари ёнида ўтказиш анъана бўлиб қолди. Ҳозир, КПСС Марказий Комитетининг РСДРП иккинчи съезди 80 йиллиги тўғрисидаги қароридан сўнг музейда «В. И. Ленининг янги типдаги марксистик партияни барпо этиш учун кураши» мавзуидаги туркумли лекциялар ўқила бошланди.

Г. ЛИПШИЦ,
Ўзбекистон ахборот агентлигининг мухбири.

КОНИ ХАЗИНА

ФАН-ИШЛАБ ЧИҚАРИШГА

Ҳурматли редакция!

Ғўзанинг келиб чиқиш тарихи ҳақида тўлиқроқ маълумот бера оласизми? Унинг қанақа турлари мавжуд. Биз биология кабинетимизни бу ноёб ўсимлик ҳақидаги маълумотлар билан бойитмоқчи эдик.

Ш. АЗИМОВ,
Б. СОБИРЖОНОВ,
Тошкент районидаги 27-ўрта мактаб ўқувчилари.

Редакция ўқувчиларнинг илтимосини қондириш учун Г. С. Зайцев номидаги Меҳнат Қизил Байроқ орденли Бутуниттифоқ ғўза селекцияси ва уруғчилиги илмий-тадқиқот институти олимларининг шу ҳақдаги мақоласини эълон қиляпмиз.

Тарихий маълумотларга кўра ғўза бундан бир неча миллион йил аввал папоротниксимон ва уруғи пўстли бўлган ўсимликларга яқин турлар орасидан келиб чиққан. Давр ўтиши билан унинг ташқи тузилиши ва ички ирсий таркиби ҳам ўзгариб борди. Ҳозирги кунда ер юзида бўйи 15—20 метр келадиган ғўза навлари ҳам мавжуд. Аммо уларнинг ҳосили кам ва кечпишардир.

Ғўза бизнинг эрамиздан аввал Перу ва Мексикада экилган. Кейинчалик Ҳиндистон, Ўрта Осиёда бу ўсимликни экиш урф бўлди. Хусусан, эрамизнинг V аҳридаёқ Ўрта Осиё тўқувчилари пахтадан тайёрланган матоларнинг бир қисмини четга чиқара бошлаганлар.

Туркистон ўлкасида ҳам пахтачилик тажриба станциялари аста-секин ташкил этилиб, ғўза селекциясига эътибор берила бошланди. 1909—1911 йилларда Андижон тажриба станциясида Е. Л. Навроцкий, Мирзачўл тажриба станциясида М. М. Бушев, Туркистон тажриба станциясида Р. Р. Шредер каби тадқиқотчи олимлар томонидан пахтачилик бўйича дастлабки селекция ишлари олиб борилди. 1913 йилда Фарғона селекция станцияси ташкил этилди ва дастлабки навлар яратила бошланди.

Октябрь инқилоби арафасида Туркистонда ҳар гектар майдондан 8—10 центнер ҳосил олинар, пахта толасининг узунлиги 20—22 миллиметр бўлиб, тола чиқиши 25 процент атрофида эди. Ҳар бир кўсакдаги пахта вазни 3—4 граммга аранг етар эди.

Улуғ Октябрь революциясидан сўнг ғўза селекцияси ва уруғчилигининг янги истиқболлари очилди ва тез суръатлар билан юксала бошлади.

Маълумки В. И. Ленин ёш совет ҳокимиятининг дастлабки йиллариданоқ пахтачиликни ривожлантиришга алоҳида эътибор берган. Доҳий бу ҳақдаги Декрета 1920 йил 24 декабрда имзо чекди. Ана шу ҳужжатга асосан 1922 йили Г. С. Зайцев раҳбарлигида Туркистон селекция станцияси ташкил этилди ва бу соҳадаги ишларнинг кенг кўламда олиб боришга катта имкониятлар яратилди.

Совет селекционерлари тадқиқ этган янги, эртапишар навлар эвазига ҳосилдорлик ортди, тола сифати яхшиланди. Ўртача ҳосили навларнинг толаси 32—35 миллиметргача, ингичка толалиларники эса 40—42 миллиметрга қадар ортди. С-4727, Тошкент-1, Тошкент-6, С-2602, «Қизил Равот», «Уйчи-2», С-6030, С-6037, 175-Ф, Тошкент 7, 8, 9, Ашхобод-25, «АН-Ўзбекистон» ва «АН-Самарқанд» туркумидаги қатор навлар энг сифатли ва пишиқ тола берувчилар деб топилди.

Республикамиз асосий пахтачилик базасидир. Пахтадан олинаётган маҳсулотлардан халқ хўжалигининг барча тармоқларида, шу жумладан космик тадқиқотларда ҳам кенг фойдаланилмоқда, толасидан эса 200 хилдан зиёд газлама олинаётир. Ғўзанинг поғоси, барги, чаноғи, ҳаттоки илдизи ҳам кони фойда эканлиги фанда исботланди. Ғўза баргининг ўзидан 80 га яқин ҳар хил кислота олинмоқда. Ғўзапоядан чорвачилик учун силос тайёрлашда, қурилиш материаллари ишлаб чиқаришда унумли фойдаланилаётир. Умуман пахта ўсимлигидан олинаётган маҳсулот турлари 1200 хилдан ошиб кетди.

Янги навларни мунтазам тадқиқ этиш учун институтимизда барча шарт-шароитлар яратилган. Чунончи, малакали кадрлар, лаборатория жиҳозлари ва маблағ етарли.

Тадқиқотчиларимиз пахтачиликнинг янада равнақ топиши, янада тезпишар навлар яратиш, мавжудларини такомиллаштириш борасидаги ишларни изчил давом эттирмоқдалар.

Т. ХОЛХУЖАЕВ,
Г. С. Зайцев номидаги Меҳнат Қизил Байроқ орденли Бутуниттифоқ ғўза селекцияси ва уруғчилиги илмий-тадқиқот институтининг катта илмий ходими, биология фанлари кандидати.
Э. ҲАСАНОВ,
қишлоқ хўжалик фанлари кандидати.
С. ОДИЛОВ,
илмий ходим.

1983—1990 ЙИЛЛАРДА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ МАШИНА-УСКУНАЛАРИНИНГ ТЕХНИК ДАРАЖАСИНИ ВА СИФАТИНИ ЯНАДА ОШИРИШ, УЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШНИ ЯХШИЛАШ, ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ВА ЕТКАЗИБ БЕРИШНИ КЎПАЙТИРИШ ЧОРАЛАРИ ТЎҒРИСИДА

(Боши 1-бетда).

СССРнинг манфаатдор министрликлари ва идоралари қишлоқ хўжалик техникасига запас қисмлар ишлаб чиқаришни кўпайтиришлари ва уларни сарф-лашнинг техник асосланган нормаларига мувофиқ хўжаликларга етказиб беришлари керак. СССР Госкомсельхозтехникасига колхозлар, совхозларни, қишлоқ хўжалиги ва сув хўжалигининг бошқа корхоналари ва ташкилотларини запас қисмлар билан гарантияли таъминлашга ўтишни 1985 йилда тугаллаш вазифаси топширилди. Колхозлар, совхозлар ва бошқа қишлоқ хўжалик корхоналари ва ташкилотларида сифатсиз, ностандарт ёки комплектга тушмайдиган маҳсулот ишлаб чиқариш ва уни етказиб беришга йўл қўйган мансабдор кишиларнинг, шунингдек машиналар ва ускуналардан фойдаланиш, сақлаш, яроқсизини ажратиш, уларга техник хизмат кўрсатиш ва уларни ремонт қилиш қоидаларини бузганлиқда айбдор кишиларнинг жавобгарлиги кучайтирилади.

Жойлардаги партия ва совет органлари совхоз ва колхоз, бошқа қишлоқ хўжалик корхоналари ва ташкилотлари ходимлари орасида машина-трактор паркидан фойдаланишни яхшилашга ва қишлоқ хўжалик техникасининг хизмат муддатини узайтиришга қаратилган ташкилотчилик ва сиёсий ишларни кучайтиришлари, қишлоқ хўжалик машиналари ва ускуналарининг ишлатилиши ва уларни сақлаш аҳволи устидан раҳбар партия ва совет ходимларининг шахсий жавобгарлигини оширишлари керак.

* * *

КПСС Марказий Комитети билан СССР Министрлар Совети қишлоқ хўжалигини янги техника билан қайтадан қуроллантириш вазифаси умумдавлат аҳамиятига молик эканлигини ва бу вазифани ҳал этишга мамлакат меҳнаткашлари кенг оммасининг диққат эътибори жалб этилмоғи кераклигини назарда тутиб, иттифоқдош республикалар Компартиялари Марказий Комитетлари ва Министрлар Советлари, ўлка ва область партия комитетлари, министрликлар ва идоралар, автоном республикалар Министрлар Советлари, ўлка ва область ижроия комитетлари зиммасига қарорда белгиланган топшириқлар ва тадбирлар амалга оширишга катта иқтисодий ва сиёсий аҳамиятга молик биринчи даражали иш деб қараш вазифасини топширдилар. Тегишли министрликлар, идоралар, маҳаллий органлар, бирлашмалар, муассасалар ва ташкилотларнинг биринчи раҳбарлари шунинг учун шахсий жавобгар бўладилар.

Қишлоқ хўжалик машинасозлиги тармоқларида ўтказилаётган илмий-техникавий ишларни тубдан такомиллаштиришга, белгиланган номенклатурада машина ва машина запас қисмларини ишлаб чиқариш ва уларни қишлоқ хўжалигига етказиб бериш борасидаги давлат интизоми бутун чоралар билан мустаҳкамланишига, шу тармоқларнинг корхоналари юқори сифатли материаллар, комплектловчи буюмлар ва замонавий технологик ускуналар билан тўла таъминланишига алоҳида эътибор берилмоғи лозим.

Марказий ва республика план органлари, министрликлар ва идоралар, жойлардаги партия, совет ва хўжалик органларининг кучғайратлари қишлоқ хўжалик машинасозлиги корхоналари ва ташкилотлари капитал қурилишини тубдан яхшилашга қаратилмоғи керак. Шу қурилишларни алоҳида давлат аҳамиятига молик моддий-техникавий ресурслар билан биринчи навбатда таъминлаш борасида белгиланган тартибга сўзсиз риоя этиш зарур. Ишга туширилувчи ишлаб чиқариш қувватларидан тўла ва самарали фойдаланиш ҳам таъминланисин.

Партия ва давлат органларига кўзда тутилган топшириқлар ва тадбирлар бажарилиши устидан қаттиқ контроль ўрнатиш вазифаси топширилди. Қўйилган вазифаларни бажаришга ташкилотчилик ва сиёсий ишларни йўналтириш, бунга меҳнат коллективларини сафарбар этиш лозим.

КПСС Марказий Комитети билан СССР Министрлар Совети қишлоқ хўжалик техникасини ва шу техникани комплектлайдиган буюмларни ишлаб чиқарадиган, бундай буюмлар ишлаб чиқаришга кетадиган материаллар ва технологик ускуналар ишлаб чиқарувчи саноат корхоналари, шунингдек СССР Госкомсельхозтехникаси, колхозлар ва совхозларнинг меҳнаткашлари белгиланган топшириқларни амалга ошириш учун ҳамма куч-қувватларини сарфлаб, СССРнинг Озиқ-овқат программаси бажарилишига муносиб ҳисса қўшадилар, деб қатъий ишонч билдирдилар.

МАИШИЙ ХИЗМАТНИ ЮКСАК ДАРАЖАГА КЎТАРАЙЛИК

(Боши 1-бетда).

Йиғилишда партия белгилаган социал-иқтисодий вазифаларни амалга оширишда хизмат кўрсатиш соҳаси корхоналари катта роль ўйнаши таъкидлаб ўтилди. КПСС Марказий Комитети ва Совет ҳукумати халқ хўжалигининг мана шу муҳим тармоғини ривожлантириш тўғрисида доимо ғамхўрлик қилмоқдалар. КПСС Марказий Комитети билан СССР Министрлар Советининг «Аҳолига маиший хизмат кўрсатишни янада ривожлантириш ва яхшилаш тўғрисида»ги қарори бунинг янги ёрқин ифодаси бўлди. Катта шаҳарда ёки олис қишлоқда яшашидан қатъий назар ҳар бир киши ўзининг маиший хизматга бўлган талаб-эҳтиёжини жуда тўлиқ қондира олиш имкониятига эга бўладиган хизмат системасини вужудга келтиришга қаратилган кенг тадбирлар комплекси белгиланди.

Бутун мамлакатда бўлгани каби Ўзбекистонда ҳам маиший хизмат тобора мустаҳкамланмоқда. Кейинги икки йилнинг ўзидагина икки юзта маиший хизмат объекти ишга туширилди. Ҳозир маиший хизмат соҳаси республика халқ хўжалигининг ривожланиб бораётган тармоқларидан бири бўлиб, унинг 20 мингта корхонасида 100 мингдан кўпроқ ишчи ва хизматчи меҳнат қилмоқда.

Лекин бугунги кунда йиғилишда ўқтириб ўтилганидек, маиший хизмат иши ўсиб бораётган талабларга мос бўлиб тушмаяпти, бунинг устига Ўзбекистон аҳоли жон бошига кўрсатилаётган хизмат ҳажми жиҳатидан бошқа республикалардан орқада қолмоқда. Тармоқни айрим областлар ва районлар бўйича ривожлантиришда катта тафовут бор, чунончи, Ўзбекистон бўйича ўн минг аҳолига ўрта ҳисобда маиший хизмат ходимларидан 62 киши тўғри келса, Қашқадарё областида фақат 40 киши тўғри келади.

Сўзга чиққан нотиқлар аҳолига маиший хизмат кўрсатиш министрлиги, маиший хизмат кўрсатувчи бошқа министрликлар ва идоралар корхоналарининг ишида ҳали кўпгина жиддий камчиликлар борлигини уқтириб ўтдилар. Устахоналарда, ателъеларда, химиявий тозалаш фабрикаларида кўпинча буюртмаларни бажариш муддатлари бузилмоқда, илғор иш усуллари суст жорий этилмоқда. Меҳнаткашлар бажарилган ишларнинг сифатига, хизмат кўрсатиш маданияти етарли даражада эмаслиги тўғрисида кўп шикоят қилмоқдалар.

Қишлоқ жойларда, саноат корхоналарида, йирик мулоссалар ва ўқув юртларида маиший хизмат тармоғи суст ривожланмоқда. Андижон, Жиззах, Хоразм областларидаги хўжаликларнинг учдан бирида, Қашқадарё ва Сирдарё областларидаги хўжаликларнинг ярмида комплекс қабул пунктлари ва доимий устахоналар йўқ, тармоқда вужудга келтирилган ишлаб чиқариш қувватлари тўлиқ ишламаяпти.

Йиғилишда тармоқда давлат ва меҳнат интизомини мустаҳкамлаш билан боғлиқ масалалар принципиаллик билан ўртага қўйилди. Ўтган йили министрлик корхоналарининг қариб ўн уч проценти топшириқларни уддалай олмаганлиги мутлақо нормал ҳол эмас. Якка тартибда кийим тиктириш, химиявий тозалаш ва бўяш, ҳаммомлар, сартарошхоналар, фотосуратга олиш, ижарага буюм бериш, мебелни ремонт қилиш ва тайёрлаш ишлари планлари бир неча йиллардан бери бажарилмай келмоқда. Кўпгина ишлаб чиқариш коллективларида кадрлар ўртасида қўнимсизлик катта, прогул қилиш ва ишга кечикиб келишга йўл қўйилмоқда. Бир қанча корхоналарда квитанциясиз хизмат кўрсатиш мижозларнинг ҳақига қиёнат қилиш ва уларни алдаш, социалистик мулкни ўғирлаш каби ва бошқа салбий ҳоллар суст бартараф этилмоқда.

Кўпгина нутқларда тармоқни бошқариш системасини такомиллаштириш, маиший хизмат министрлиги билан унинг маҳаллий органлари ролини ва масъулиятини ошириш зарурлиги тўғрисида гапирилди. Тўпланган тажриба, жумладан Наманган областининг тажрибаси тармоқда ихтисослашувнинг самарадорлигини кўрсатмоқда. Асосий хизмат турлари бўйича ихтисослаштирилган ишлаб чиқариш бирлашмалари шу беш йиллик охиригача ташкил этиб бўлиниши, область марказлари ва катта шаҳарларда бирлашмаларнинг юксак даражада механизациялаштирилган бош корхоналари, бошқа шаҳарлар ва район марказларида эса ана шу корхоналарнинг филиаллари ёки цехлари қурилишини таъминлаш керак. Хизмат сифатини бошқариш комплекс системасини тезроқ жорий этиш лозим.

Маиший хизмат корхоналарини кўпайтириш ва уларнинг ишини яхшилаш умумий вазифа эканлиги йиғилишда таъкидланди. Афсуски, Қурилиш министрлиги, Қишлоқ қурилиши министрлиги, «Главташкентстрой» раҳбарлари буни тушунмаяптилар. Улар маиший хизмат объектларини қуриш ва реконструкция қилишга етарлича эътибор бермаяптилар, Давлат планларини муттасил бажармаяптилар ва белгиланган муддатларни бузмоқдалар. Маиший хизматнинг моддий-техника базасини ривожлантириш учун министрликларнинг ўз маблағларидан, Давлат банки қарзларидан, шунингдек саноат корхоналари, колхозлар, совхозларнинг, колхозлараро ташкилотларнинг маблағларидан яхши фойдаланилмаяпти. Халқ депутатлари маҳаллий Советлари, илмий муассасалар ва ўқув юртлари тармоқни такомиллаштириш учун кўп иш қилишлари керак. Комсомол йўлланмалари билан маиший хизмат соҳасига юборилаётган ёшларнинг янги отрядига катта умид билдирилмоқда ва масъулият юклатилмоқда.

Тармоқ олдида турган вазифаларни муваффақиятли ҳал этмоқ учун, деб таъкидлашди нотиқлар, бундаги барча мавжуд воситалардан яхшироқ, тўлиқроқ фойдаланиш, маънавий ва моддий рағбатлантиришни моҳирлик билан қўшиб олиб бориш, хизмат соҳасида банд бўлган кишиларнинг меҳнат ва турмуш шароитларини яхшилаш тўғрисида, сиёсий-тарбиявий ишларни кучайтириш ҳақида ғамхўрлик қилиш лозим. Тармоқ ходимларининг мусобақасини кенгайтириш, уни ташкил қилишдаги расмиятчиликни қатъиян бартараф этиш, ишлаб чиқариш илғорларининг тажрибасини яхшироқ оммалаштириш керак.

Йиғилишда айтиб ўтилганидек область, шаҳар, район партия комитетлари хизмат кўрсатиш соҳасининг раҳбар ходимларига нисбатан талабчанликни оширишлари, кадрларни тайёрлаш, жой-жойига қўйиш ва тарбиялаш ишини муттасил яхшилашлари лозим. Маиший хизмат корхоналарининг бошланғич партия ташкилотлари партия комитетларидан кўпроқ эътибор ва ёрдам берилишини кутмоқдалар. Маиший хизмат ходимларини давлат планларининг бажарилиши учун, ўз хизмат бурчларини адо этиш учун юксак масъулиятни ҳис этиш, камчиликларга муросасиз бўлиш руҳида тарбиялаш партия ташкилотларининг бурчидир.

Халқ депутатлари область, шаҳар ва район Советларининг ижроия комитетлари аҳолига маиший хизмат министрлиги билан биргаликда маиший хизмат корхоналарининг ишини пухта ва талабчанлик билан ташкил қилишлари, аҳолининг талаб-эҳтиёжларини сифатли ва тўлароқ қондириш учун шу корхоналарни барча зарур нарсалар билан таъминлашлари лозим.

Йиғилиш республикада хизмат кўрсатиш ҳажмини 1990 йилгача уч баравар оширишни зарур деб топди. Бунда аҳолидаги буюмларни ремонт қилиш, узоқ фойдаланиладиган буюмларни ижарага бериш, юксак сифатли буюмларни буюртмаларга биноан тайёрлаш борасидаги хизматларни кенгайтириш маиший хизматни ривожлантиришдаги асосий йўналиш бўлиши лозим. Маиший хизматнинг янги турларини ва илғор иш усулларини жорий этиш тадбирларини кўриш керак. Буюртмаларни шошилинч равишда бажариш, уларни уйга элтиб бериш, абонентлар бўйича хизмат кўрсатиш комплекс қабул пунктларини ва юқори разрядли хизмат корхоналарини кўпайтириш шулар жумласидандир.

Йиғилиш қатнашчилари 1983—1990 йилларгача бўлган даврда Ўзбекистон ССР аҳолисига маиший хизмат кўрсатишни янада ривожлантириш ва яхшилаш тадбирларини маъқуллладилар.

Йиғилишда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бюросининг аъзолари ва аъзоликка кандидатлари, КПСС Марказий Комитетининг масъул ходими Ю. А. Белевцев иштирок этдилар.

(ЎзТАГ).

ИЛҒОР ТАЖРИБА—ҲАММАГА

«НАРЯДСИЗ» БРИГАДА (ЗВЕНО)НИ ҚАНДАЙ ТАШКИЛ ЭТИШ КЕРАК

Яқинда республика, область ва район газеталарида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг коллектив пудратни колхоз ва совхоз ишлаб чиқаришига жорий этиш ишларини кучайтириш тўғрисидаги қарори эълон қилинди. Қарорда меҳнатни ташкил этиш ва ҳақ тўлашда шундай формانинг самарадорлиги тўғрисида 1982 йилги ва бошқа йиллардаги якунловчи маълумотлар келтирилган. Республикада бригада пудрати нарядсиз бригада ва звенолар шаклида ёйилмоқда. Буларда ғўза парвариши ва ҳосилни йиғиб-териб олиш даврида бригада(звено) аъзоларига иш ҳақи аванс тариқасида белгиланган вақтбай маош тарифига асосланиб тўланмоқда. Пировард натижа — етиштирилган маҳсулотга қараб меҳнатга узилкесил ҳақ тўланмоқда. Натижаларга кўра олинган иш ҳақи фондидан аванс ушлаб қолингандан кейин у бригада аъзолари ўртасида вақтбай маош тариқасида олинган иш ҳақининг ҳар бир сўмига қараб тақсимланади.

Кўп кишилар нарядсиз бригада (звено)ни амалда қандай ташкил этса бўлади, деб сўрамоқдалар.

Буни конкрет мисолда кўрсатамиз. 1981 йилда Сурхондарё областидаги колхозларнинг бирида 15 кишидан иборат хўжалик ҳисобидаги пахтакор звено ишларди. Звено ўзига бириктирилган 60 гектар майдонда 180 тонна пахта етиштириб, гектар бошига 30 центнердан ҳосил кўтарди. Звено аъзоларининг иш ҳақи ҳамма хил ишлар учун ишбай ҳисобидан берилди. Шундай қилиб ҳар бир кишининг йиллик ўртача иш ҳақи 1500 сўм бўлди.

Звено 1982 йилда ўша 15 кишидан иборат бўлиб нарядсиз система билан ишлашга қарор қилди. Лекин бу сафар 75 гектар ер олинди. Звенода ўрнатиладиган зарур машиналари бўлган МТЗ 80Х трактори ва иккитадан прицепи бўлган Т-28 ХЧМС транспорт трактори бор. Терим маҳали звенода ХНП—1,8 терим машинаси бор эди.

Звенода пахта етиштириш плани 248 тонна—гектар бошига 33 центнер, иш ҳақи фонди эса 41 минг сўм белгиланди. Шу фондан аванс тариқасидаги вақтбай иш ҳақига 22.800 сўм ажратилди.

Звено составида икки механизатор бўлиб, шулардан бири звено бошлиғидир. Звено бошлиғига звенога раҳбарлик қилганлиги учун қўшимча ҳақни ҳам ҳисобга олганда ойига 170 сўм, иккинчи механизаторга 140 сўм, беш нафар сувчига 130 сўмдан, звенонинг қолган аъзоларига эса тариф ставкаларига асосланиб 110 сўмдан иш ҳақи белгиланди. Мавсум мобайнида бегана ўтларга қарши курашиш ва ҳосилни териб олиш каби қизғин иш пайтида жалб этилган ходимларга 4620 сўм тўланди.

Звено ҳар бир аъзосининг йиллик иш ҳақи пировард натижа — пахта ҳосилига боғлиқ эканлигини англагани ҳолда ҳамма ишлар энг мақбул агротехника муддатларида бажарилишини таъминлади. У 1125 тонна маҳаллий ўғит тайёрлаб, гектар бошига ўрта ҳисобда 15 тоннадан ўғитни далага чиқарди. 6 иш кунида қора чигит сеялкада аниқ экиб чиқилди, чигит табиий намликда униб чиқди, яганалашга эҳтиёж бўлмади. Звенонинг бутун кучи ғўзани тез авж олдириш учун намунали парвариш қилишга қаратилди. Ғўза қисқа цикл — ҳар 12 кунда суғориб, чопиқ қилиниб турилди. Суғоришдан сўнг ер етилиши билан оқ культивация ўтказилди. Августга борганда ғўза машинада чеканка қилиниб чиқ-қач терим машиналарининг ишлаши учун қулай шароит яратиш мақсадида далалар бегана ўтлардан қўлда батамом тозалаб чиқилди. Бунинг учун четдан кишилар жалб этишга тўғри келди. Сентябрь бошларида ҳар тун ғўзада ўрта ҳисобда иккитадан кўсак очилганида ОВХ-28 чанглагич — пуркагич аппарати ёрдамида дефолиация ўтказилди. 17 сентябрдан бошлаб подборщичи ва пахтани тозалайдиган қурилмаси бўлган ХНП-1,8 машинаси билан пахта терила бошланди. 1 октябргача биринчи терим, 10 октябргача эса иккинчи терим ўтказилди. Звенонинг терим машинаси отряд (машиналар группаси)дан иборат бўлиб, у звенонинг ўз даласида ишлади. Машиналарга қараб туриш ва терилган пахтани ташиш ҳам отряд зиммасида бўлди. Ерга тўкилган пахтанинг бир қисмини звено аъзолари четдан маълум миқдор жалб этилган кишилар ёрдамида териб олди. Иккинчи теримдан сўнг далага кўрак терадиган машина чиқди ва далалар 20 октябргача батамом тозаланиб бўлди. 10 ноябргача 1983 йил ҳосили учун ер шудгорлаб қўйилди.

Ғўза яхши парвариш қилинганлиги ва пахта нес-нобуд қилинмай йиғиб-териб олинганлиги туфайли звено ҳосилдорлиги гектар бошига ўрта ҳисобда 35 центнерга етди. Жами 263 тонна пахта етиштирилди. Унинг ҳар тоннаси ўрта ҳисобда 550 сўмдан сотилди ва жами 144.650 сўм пул тушди.

План ошириб бажарилганлигини ҳам ҳисобга олганда пировард ҳисоб-китобда звенога жами 46.200 сўм иш ҳақи ўтказилди. Четдан жалб этилган ходимлар меҳнатига иш ҳақи айириб ташланганидан кейин звено аъзолари меҳнатига 41.580 сўм берилди. Шундан 22.800 сўмдан иборат вақтбай иш ҳақи айириб ташланганида қўшимча ҳақ тўлашга 18.780 сўм ёки асосий иш ҳақининг ҳар сўмига 82 тийиндан тегди. Бунда бригадирнинг йиллик иш ҳақи 3708 сўм, механизаторникі 3060 сўм, сувчиларникі 2844 сўмдан ва қолган пахтакорларникі 2400 сўмдан тўғри келди.

Шундай қилиб, меҳнатни ташкил этиш ва унга ҳақ тўлаш нарядсиз системасига ўтилганида звено аъзоларининг 1982 йилда 2680 сўм, 1981 йилда эса 1500 сўмдан иборат бўлган ўртача иш ҳақи 1180 сўмга ёки 1,8 баравар кўпайди. Холбуки, етиштирилган маҳсулотнинг ҳар центнерига ҳисоблаганда иш ҳақи фонди ҳатто 20 сўмдан 16,7 сўмгача ёки 16,5 процент камайганди. Хуллас хўжаликка ҳам, пахтакорларга ҳам фойдали бўлди. Бунақанги мисолларни кўплаб келтириш мумкин.

Ишлаб чиқаришни бундай ташкил этишнинг сири нимада? Ҳеч бир сири йўқ. Ҳамма гап шундаки, ишлаб чиқаришни нарядсиз ташкил этишда йиллик иш ҳақи пировард натижага, ҳосилга ва маҳсулот етиштиришга кетадиган ҳаражатларни тежашга боғлиқ бўлишини звенонинг ҳар бир аъзоси яхши билади. Шунинг учун ҳам звенонинг ҳамма аъзолари барча ишларни энг яхши агротехника муддатларида намунали қилиб бажаришга, уларни четдан ходимлар ёлламай бажаришга ҳаракат қиладилар. Бу нарса оз ҳаражат қилган ҳолда мўл ҳосил етиштиришга имкон беради ва иш ҳақи анча ошгани ҳолда маҳсулотнинг таннархи арзонлашади.

Лекин звенонинг уюшқоқлик билан яхши ишлаши учун уни тўғри ташкил этиш зарур. Нарядсиз звенони ташкил этаётганда аввало, звено аъзолари сони бир мунча камроқ бўлишига ҳаракат қилиш лозим. Звено 15—20 кишидан ошиб кетмаслиги керак. Шулардан аҳил, уюшган, ғоятда интизомли коллектив туриш мумкин бўлади. Бригадир звенога онгли равишда ихтиёрий кирадиган, коллективчилик асосида ишлаш шароитини, меҳнатга ҳақ тўлаш шартлар — вақтбай иш ҳақи даражасини, иш ҳақининг пировард натижага яъни олинган ҳосилга боғлиқлигини яхши биладиган кишиларни танлаб олиши керак. Звено тузаётган да унинг профессионал составини — унда нечта механизатор, нечта сувчи, нечта оддий меҳнаткаш бўлиши кераклигини тўғри белгилаш лозим. Звено экин майдонининг қанча эканлигига қараб тузила бошланади. Звено пахтакор бўлса ва қарамоғига 1 та МТЗ-80Х трактори берилган бўлса майдони 70—75 гектар, 1 та Т-28Х4 чопиқ трактори билан таъминланган бўлса, майдони 45—50 гектар ва 2 та Т-28Х4 трактори билан таъминланган бўлса майдони 90—100 гектар бўлиши лозим. Бу ҳолда тракторлар серунум ишлатилади. Звенонинг профессионал состави шу тупроқ иқлим шароитларида қабул қилинган технологияга қараб танлаб олинади. Масалан, 75 гектар майдони ва 1 та МТЗ-80Х чопиқ трактори бўлган пахтакор звено учун икки нафар механизатор бўлиши зарур, шулардан бири звено бошлиғи бўлиши мумкин. Звенода прицепли транспорт трактори бўлса, яна битта-учинчи механизатор бўлиши талаб этилади. Шу майдонга 4—5 сувчи керак бўлади. Звенонинг қолган аъзолари оддий пахтакорлар бўлиши мумкин.

Совхоз дирекцияси ёки колхоз правлениеси технологик картага биноан звенонинг пахта етиштириш борасидаги топшириғини белгилайди ва иш ҳақи фондини тайинлайди. Хўжалик билан звено ўртасида тузилган шартномада (буйруқда) маҳсулот етиштириш билан бирга коллективга қандай техника бириктирилганлиги, унга қанча органик ва минерал ўғит, уруғлик, гербицид модда ва бошқа моддий техника ресурслари ажратилганлиги кўрсатилади.

Ажратилган иш ҳақи фонди тахминан қуйидагича тақсимланади: иш ҳақининг 20—30 проценти қўшимча ҳақ учун қолдирилади, қолган қисми эса звено аъзолари ўртасида тақсимланади —ойлик вақтбай иш ҳақининг қанча бўлиши белгиланади. Одатда механизаторларга 130—150 сўм, сувчиларга 110—120 сўм, звенонинг оддий аъзоларига 90—100 сўмдан тайинланади. Шу хўжаликда белгиланган иш ҳақининг миқдорига қараб бошқача ойлик маошлар тайинланиши ҳам мумкин.

Звено аъзоларининг ойлик маоши тариф сетраси ва технологик картага биноан иш ҳажмига қараб тайинланади. Белгиланган ойлик маош албатта звенонинг ҳамма аъзолари билан келишиб олинади. Бригадирга (звено бошлиғига) одатда ойлик маошга 25 процент устама ҳақ тайинланади. Йил охирида план бажарилишига қараб звено аъзолари билан узилкесил ҳисоб-китоб қилинади. Чиққан қўшимча ҳақ звено аъзолари ўртасида вақтбай иш ҳақининг бир сўмига қанча тушишига қараб тақсимланади.

Нарядсиз звенода ҳисобчи бўлмайди, унда меҳнат ҳисоби олинмайди, ишга чиқиш табелигина ёзиб борилади. Табелни звено бошлиғининг ўзи тутади ёки келишиб олинганига мувофиқ коллективнинг бошқа ҳар қандай аъзоси тутиб боради.

Деҳқончиликнинг бошқа ҳамма тармоқларида —дон, сабзавот, картошка, қовунтарвуз, ем-хашак ва бошқа хил маҳсулотлар етиштиришда, шунингдек боғдорчилик ва узумчиликда нарядсиз бригада ёки звенолар худди шу принципда ташкил этилади.

Сут чорвачилиги ва молни сўқимга боқишда нарядсиз бригадалар тузилмоқда. Бундаги бригадаларнинг состави мол бошига, ферманинг механизация воситалари билан қанчалик таъминланганлигига ва бошқа омилларга қараб белгиланади. Вақтбай ҳақ ва қўшимча ҳақ тўлаш принциплари деҳқончилик сингари бўлади. Фарқ шунда бўлиши мумкинки, чорвачиликда натижалар ҳар кварталда ва кейинчалик йил охирида ферма молия-хўжалик фаолиятининг, чорвачилик тармоғи ва бутун хўжалик молия-хўжалик фаолиятининг пировард якунига қараб чиқарилади ва булар пировард қўшимча ҳақ миқдорига таъсир қилади.

Шуни назарда тутиш зарурки, пировард натижага қараб, меҳнатни ташкил этиш ва унга қараб ҳақ тўлаш нарядсиз системасидаги ишлар учун бригадалар, мустақил звенолар, шунингдек бригада ичида звенолар тузилиши мумкин. Лекин ҳамма ҳолларда ҳам коллектив аъзоларининг кўп бўлмаслиги асосий талаб бўлиб қолади. Коллектив аъзолари кўп бўлса уюшқоқлик билан аҳил ишлаш қийинлашади, ҳар хил келишмовчиликлар вужудга келади. Бунга кўпинча бир хил кишиларнинг виждонан ишлаши, бошқа бирларининг унча ишламаслиги сабаб бўлади. Шунда бригада (звено) аъзоларининг сонига қараб, ҳар бир участка ва пайкални вақтинча бўлиб бериш масаласи вужудга келади. Яъни пайкалларни «қозиқлаб» белгилаб чиқиш системаси вужудга келади. Лекин амалда бундай системанинг таги бўшлиги маълум бўлди, шахсиятчилик тенденциялари вужудга келади, машина-ускуналардан фойдаланиш ҳам қийинлашади, иш ҳақини таксимлаш масалаларида низолар келиб чиқади ва бошқа келишмовчиликлар бўлади. Булар пировард натижада коллективнинг тарқалиб кетишига олиб боради.

Бригада ёки звено коллективини тузиш —ишнинг энг масъулиятли қисмидир. Аҳил соғлом коллектив тузишдан иборат ғоятда мураккаб вазифа туради. Одам танлашда ҳар бир шахснинг социал активлигига доир муайян талабларни назарда тутиш зарур. Ҳақиқий коллективчилик ва ўртоқлик вазиятини вужудга келтирувчи совет турмуш тарзи; барча миллат ва элатларнинг дўстлиги —интернационализм; кишиларни бақувват ва матонатли қилувчи маънавий соғломлик; коллектив ҳар бир аъзосининг хилма-хил эҳтиёжлари ва манфаатлари қондирилишини таъминлайдиган моддий ва социал шарт-шароитларга бирдай муносабатда бўлиш энг муҳим талаблар қаторига киради.

Пировардида шуни айтиш керакки, нарядсиз бригада ва звенолар тўғри ташкил этилган бўлса, улар одатда маҳсулот етиштириш жиҳатидан ҳам, меҳнат унумдорлиги жиҳатидан ҳам бир мунча юксак натижаларга эришади. Бу эса интенсивлашнинг асосий кўрсаткичидир.

Айрим бригадалар ва звенолар тўғрисида гапирмай, умумлаштирилган якунларга қараб энг ишонтирарли натижаларни келтираман.

1982 йил қишлоқ хўжалиги министрлигининг совхозларида пахтазорларнинг 40 процентида нарядсиз бригада ва звенолар ишлади. Булардаги пахта ҳосилдорлиги қолган бригадаларга нисбатан гектар бошига 2,8 центнердан зиёд бўлди, меҳнат унумдорлиги эса 28 процент ортиқ бўлди, пахтанинг сотилиш нархи сифати яхши бўлиши ҳисобига 29 процент ортиқ, йиллик ўртача иш ҳақи 16 процент юқори бўлди, шу билан бирга 1 центнер пахтага ҳисоб қилганда меҳнат ҳақи ҳатто 10 процент камайди.

Умуман 40 процент бригада ва звеноларни коллектив пудрати методи асосида ишлашга ўтказиш 1982 йилда министрлик совхозлари қўшимча 65 минг тонна пахта етиштиришига, 20 миллион сўм иш ҳақини тежаши ва сотилган пахта учун қўшимча 119 миллион сўм пул олишига имкон берди.

Ҳозир экин-тикин айни қизиган бўлсада, бригада ва звенолар ишини коллектив пудратига ўтказиш учун вақт ҳали кеч эмас. Хўжаликларнинг раҳбарлари бу ишни активлаштиришлари зарур. Район агросаноат бирлашмалари, партия ва касаба союз ташкилотлари бу катта ишда уларга амалий ёрдам беришлари керак.

Т. ЗИНИН,
Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети қишлоқ хўжалик бўлимининг мудири.

ТЎПЛАНГАН ТАЖРИБАНИ УМУМЛАШТИРИБ

БУТУНИТТИФОҚ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ КОНФЕРЕНЦИЯСИ

ТБИЛИСИ, 9 апрель. (ТАСС махсус мухбирлари Э. Гаспаров, И. Новиков). «Меҳнаткашларнинг жамоат ва ишлаб чиқариш активлигини ривожлантиришда, интизомни мустаҳкамлашда, иш услубини такомиллаштиришда бошланғич партия ташкилотларининг ролини ошириш тўғрисида» мавзуга бағишланган Бутуниттифоқ илмий-амалий конференцияси бугун бу ерда тугади.

Охирги ялпи мажлисда коммунистлар ижодий мунозараси якунларини умумлаштирган секциялар раҳбарларининг ахборотлари тингланди. Партия иши тажрибаси билан танишиш, уни чуқур идрок этиш бошланғич партия ташкилотларининг жанговарлик қобилиятини оширишга, ишлаб чиқариш ва тарбиявий вазифаларни ҳал этишга партия таъсирини кучайтиришга кўмаклашажаги таъкидланди.

КПСС Марказий Комитетининг секретари И. В. Капитонов нутқ сўзлади. У айтдики, конференциянинг ўтказилиши КПСС Марказий Комитети партиямизнинг негизи, меҳнат коллективларининг сиёсий ўзаги сифатида бошланғич партия ташкилотларининг фаолиятига катта эътибор бераётганлигининг яна бир далилидир.

Конференция якунларига баҳо бера туриб аввало шуни қайд этмоқчиманки, конференция ғоят сермазмун, амалий, конструктив руҳда ўтди, деди КПСС Марказий Комитетининг секретари. Конференцияда партия XXVI съезди, КПСС Марказий Комитети 1982 йил ноябрь Пленуми қарорлари, КПСС Марказий Комитети Бош секретари Ю. В. Андропов нутқларида баён этилган қоидалар ва хулосалар асосида бошланғич партия ташкилотларининг ташкилотчилик ва ғоявий-тарбиявий иши актуал масалалари батафсил ва ҳар томонлама кўриб чиқилди.

Нутқларда меҳнаткашларнинг жамоат ва ишлаб чиқариш активлигини ривожлантириш, интизомни мустаҳкамлаш, меҳнат коллективларининг ҳаёти ва ишларига партия ташкилотларининг таъсирини кучайтириш борасидаги ишларнинг ғоят хилма-хил форма ва методлари кўрсатиб берилди. Айни вақтда ўртоқлар бошланғич партия ташкилотларининг ишидаги, маҳаллий партия комитетларининг уларга раҳбарлигидаги камчиликлар тўғрисида, ҳали ҳал қилиниши лозим бўлган проблемалар ҳақида ўз ўзини танқид руҳида рўйирост гапирдилар. Партия қуйи бўғинлари фаолиятини янада такомиллаштириш ҳусусида кўпгина хилма-хил фикр-мулоҳазалар билдирилди.

Конференция коллектив тажрибани бойитади, партия қурилиши назарияси ва практикаси учун қимматли материал беради. Барча партия ходимлари ва активлари унинг ҳужжатларидан ўзлари учун кўпгина қизиқарли ва фойдали нарсаларни оладилар. Бу ҳужжатлар билан партия активининг мумкин қадар кенгроқ доиралари танишиши тўғрисида ғамхўрлик қилиш керак, деб уқтирди И. В. Капитонов. Эндиликда гап бу ерда айтилган фикрларнинг ҳаммасидан, тўпланган тажрибадан, жамики воситалардан иш самаласини янада ошириш ва унинг услубини такомиллаштириш, хўжалик-сиёсий вазифаларни ҳал этишга, тартибни, уюшқоқликни ва интизомни мустаҳкамлашга партия таъсирини кучайтириш мақсадида ғоятда тўлиқ фойдаланишда қолганлиги равшан. Жойларда конференция якунларини амалга ошириш учун кенг кўламдаги катта ишлар олиб борилади деб, ўйлаш керак.

Конференция қатнашчилари партиянинг жамиятдаги раҳбарлик ролини муваффақиятли равишда амалга ошириш, унинг омма билан алоқаларининг мустаҳкамлиги кўп жиҳатдан бошланғич ташкилотлари қанчалик актив иш кўрсатганликларига боғлиқ эканлигини таъкидладилар. Шу боисдан ҳар бир бошланғич партия ташкилоти тўла қонли яшашига, барча ишларда ташаббус ва ижодкорлик, юксак даражада принципиаллик кўрсатишларига тинимсиз эришиш зарур.

Партия ташкилотлари меҳнаткашларнинг ижодий фаолияти ва ижтимоий активлигини бутун чоралар билан ривожлантиришга кун сайин зўр эътибор беришлари муҳимдир. Ю. В. Андропов таъкидлагандек, бу — «... партия режалари реаллиги, унинг кучини ўстириш масаласи, пировард натижада эса — коммунистик қурилиш программасини амалга ошириш гаровидир.

Шу кунларда биз Грузиядаги бир қанча бошланғич партия ташкилотлари ва меҳнат коллективларининг қизиқарли тажрибаси билан бевосита танишиш имкониятига эга бўлдик. Биз ҳаммамиз КПСС Марказий Комитетининг Тбилиси шаҳар партия комитетига доир қарорини бажариш юзасидан республика партия ташкилоти қанчалик кўп иш қилганига яққол ишонч ҳосил қила олдик. Республика меҳнаткашлари кейинги икки беш йилликда иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг барча йўналишларида эришган муваффақиятлар кўп жиҳатдан партия раҳбарлиги савияси ортиб бораётганлиги, ишга ижодий ёндошилаётганлиги натижасидир.

Тажрибани баҳам кўриш партиямизнинг қўйи, энг оммавий бўғинида ички партия турмушини активлаштиришга қаратилган партия ташкилотларининг амалий ишларида ўзининг конкрет, яққол ифодасини топади.

Янги омил бахш этади,

ЗАҲИРИДДИН МУҲАММАД БОБУР ТАВАЛЛУДИНИНГ 500 ЙИЛЛИГИ ОЛДИДАН

«ЮЛДУЗЛИ ТУНЛАР»

ЗАҲИРИДДИН Муҳаммад Бобур таваллудининг 500 йиллик юбилейига Ҳамза номидаги ўзбек Давлат академик драма театри санъаткорлари муносиб туҳфа тайёрладилар. Театрнинг ижодий коллективи таниқли ёзувчи Лиримқул Қодировнинг «Юлдузли тунлар» романи асосида шу номли драмани саҳналаштирди.

Яқинда ана шу драманинг премьераси бўлиб ўтди. Томошабинлар Бобур Мирзонинг адолат йўлида чеккан заҳматлари, асрлар оша яшаб келаётган ўлмас ғоялари ўзининг тўлақонли ифодасини топган бу саҳна асарини катта қизиқиш билан кўрдилар.

Драмани театрнинг бош режиссёри, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган санъат арбоби, республика Ленин комсомоли мукофотининг лауреати Баҳодир Иўлдошев саҳналаштирди. Саҳна безакларини эса истеъдодли рассом, ССР Давлат мукофотининг лауреати Г. Брим ишлаган. Спектаклдаги Бобур ролини истеъдодли актёрлардан Ёдгор Саъдиев ва Ёқуб Аҳмедовлар ижро этмоқдалар. Шунингдек, унда Обид Юнусов,Саъдихон Табибуллаев, Римма Аҳмедова, Ойдин Норбоева ва бошқа актёрлар ҳам иштирок қилмоқдалар.

Л. ШАРАФУДДИНХУЖАЕВ.

УНИВЕРСИТЕТДА КОНФЕРЕНЦИЯ

ЯҚИНДА В. И. Ленин номидаги Тошкент давлат университети Маданият саройида буюк шоир ва олим Заҳириддин Бобур таваллудининг 500 йиллигига бағишланган илмий конференция ўтказилди.

Конференцияни ТошДУ проректори, профессор Ш. М. Шомуҳамедов қисқача кириш сўзи билан очди. Шундан сўнг Бобур ҳаёти ва ижоди ҳақида илмий докладлар тингланди. Олим ва адабиётшунослардан Б. Қосимов — «Бобур — буюк ўзбек шоири», Ҳ. Муҳаммадхўжаев — «Бобур ва унинг адабий мероси», Қ. Муниров — «Бобур ва Ҳофиз Тошкандий» деган мавзуларда доклад қилиб, буюк шоир ва алломанинг ижодий фаолиятига оид қизиқарли маълумотлар келтиришди.

Конференция охирида Ўзбекистон ССР телевидение ва радиоэшиттириш Давлат комитетининг Т. Маҳмудов раҳбарлигидаги мақомчилар ансамбли Бобур ғазаллари билан айтиладиган программада концерт қўйиб беришди.

А. ТУРДИЕВ, В. ХУЖАЕВА.

Бизнинг ахборот

ҚИЗЛАР ДУТОР ЧЕРТГАНДА

Республика ҳамда область кўрик-конкурсларининг ғолиби — Калинин районидаги «Ғунча» дуторчи қизлар ансамбли ўзининг янги концерт программасини «Иваново» совхози меҳнаткашлари ҳузурида намойиш этди. Дала меҳнаткашлари ансамбль ижро этган «Ўзбекистон қизлари», «Катюша», қардош республикалар қўшиқ ва куйларини мароқ билан тингладилар.

«Ғунча» ансамбли кўпчилликка яхши таниш. Ёш санъаткорлар тез-тез дала меҳнаткашлари ҳузурида, саноат корхоналарида меҳмон бўладилар. Яқин кунлар ичида Тошкент, Чирчиқ, Олмалиқ шаҳарларининг саноатчилари ҳам дуторчи қизларнинг янги программаси билан таништадилар.

ДАВОЛАШ МАРКАЗИ КЕНГАЙДИ

Ўртачирчиқликлар марказий шифохона ходимлари хизматидан мамнун эканликларини изҳор этмоқдалар. Шифохона коллективи аҳолига тиббий ёрдам кўрсатиш борасида диққатга сазовор ишларни қилиб келмоқда. Бу ерда қишлоқ касалхоналари орасида республикада илк бор урология бўлими очилди. Энди малакали мутахассислар шу ернинг ўзида мураккаб операцияларни ҳам муваффақиятли бажаришяпти.

Яқинда даволаш марказида янги корпус қад кўтарди. Бу ерда педиатрия, хирургия, терапия, қардиология, столарингология ва бошқа бўлимлар ишлаб турибди.

ЛАБОРАТОРИЯ ЛОЙИҲАСИ ТАЙЁР

«Ташгипрогор» институти архитекторлари яратган лойиҳа асосида бунёд этилган ҳашаматли бинолар бугунги кунда пойтахтимиз кўркига кўрк қўшиб турибди. Институт лойиҳачилари ҳозир яна янги-янги ишларга қўл урмоқдалар.

Яқинда улар «Узсельстройиндустрия» трести инженерлик-лабораторияси корпусининг лойиҳасини ишлаб чиқишди. Тўрт қаватли бинода трестнинг илмий-тадқиқот лабораториялари жойлашади. Бу ерда ходимлар бинокорлик ва сайқаллаш материалларининг энг самарали хом ашёларини аниқлаш, темир-бетон конструкцияларидан тежаб-тергаб фойдаланишнинг афзал йўлларини излаб топиш устида иш олиб борадилар.

Инженерлар, олимлар ва лаборантлар учун лойиҳачилар қатор қулайликлар яратишга эришганлар. Лойиҳа комиссия томонидан юқори баҳоланди.

М. ЗАРИПОВ.

● Бекобод районидаги «Далварзин» совхози 2-бўлимига жойлашган «Лола» болалар боғчасида меҳнаткашларнинг кўплаб фарзандлари тарбияланмоқда. Қўғирчоқ театри, турли оммавий ўйинлар ва гаштли сайрлар кичкинтойларнинг ҳар томонлама гармоник ўсишига ёрдам берянти. Суратларда: тарбиячи З. Конакова болалар билан машғулот ўтказаётган пайт; боғчанинг умумий кўриниши.

М. Қорабеков фотолари.

● Тошкент область Ленин комсомоли мукофоти лауреати «Парвоз» халқ ансамблининг доирачилар тўгараги ҳамиша ёшлар билан гавжум.

Суратда: доирачилар ансамблининг раҳбари, Бутуниттифоқ фестивалининг лауреати Хусан Носиров ўз шогирлари билан.

С. МАҲКАМОВ фотоси.

КИТОБ ЖАВОНИНГИЗГА

«ТАБИАТ ҚОНУНЛАРИ»

Табиат қонунлари, физика ривожининг қонуниятлари ва унинг ҳозирги замон илмий-техника ривожланишига таъсирини диалектик материализм ғоялари асосида очиб бериш китобчанинг асосий мавзусини белгилайди. Олий ўқув юртларининг студентлари, ўқитувчиларга мўлжалланган бу қўлланма У. Ҳайдаров томонидан ёзилган бўлиб, «Ўқитувчи» нашриётида босмага тайёрланган.

«ТОШКЕНТ МУЗЕЙЛАРИ»

Ю. И. Глассниг «Ўзбекистон» нашриётида чоп этилган бу китобчаси Тошкент шаҳрининг 2000 йиллик юбилейига муносиб туҳфа бўлади. Унда шаҳар музейларида сақланаётган тарихий ёдгорликлар ва ҳужжатлар, халқ озодлиги йўлида қон тўкканлар хотирасини абадийлаштириш борасида амалга оширилган ишлар ўз ифодасини топган.

ҚИШЛОҚ МУХБИРЛАРИ ҲУЗУРИДА

Ўрта Чирчиқ район «Машъал» газетасида ташкил этилган ишчи-қишлоқ мухбирлари университетининг навбатдаги машғулотида шоир Назармат иштирок этди. Жангчи-шоир машғулот иштирокчиларига ўзининг ҳаёти ва турли йилларидаги ижодий фаолияти ҳақида сўзлаб берди.

Тингловчилар шоирнинг Улуғ Ватан уруши темасида яратилган «Қирғоқдаги жанг», «Туриалар йўли» номли очерклари тўпламлари хусусида фикр-мулоҳаза юритдилар. Машғулотда ижодкорнинг бахт ва баҳор, Ватан ва муҳаббат мавзусида ёзилган шеърлари янгради.

К. РАИМҚУЛОВА.

ҲАР ТЎҒРИДА

КЎЛ — ЗАВОД

Курраи заминимизнинг энг ажойиб ва гаройиб кўлларидан бири Тринидад оролида жойлашган. Бу кўлни асфальт заводи деб аталса, муболаға қилинмаган бўлади. Аслида ҳам шундай.

Гаройиб кўл қадим замонлардан машҳур. XVI асрда ўтган инглиз сайёҳи ва қароқчилар экспедицияларини уюштирувчи Уолтер Рэли маҳаллий асфальтдан ўз кемалари корпусини қоплашда фойдаланган ва унинг смоладан афзаллигини, ҳатто қуёш нури таъсирида эриб кетмаслигини алоҳида таъкидлаган.

Ла-Бреа посёлкаси яқинида жойлашган Пич-Лейк кўли унчалик катта эмас, унинг майдони салкам қирқ гектарни ташкил этади. Лекин чуқурлиги саксон метрдан ҳам ошиқроқ. У ҳеч қандай бошқа кўлларга ўхшамайди. Бўтқасимон қора масса билан тўлиб турадиган катта ҳовузнинг ўзи. Ҳар йили бу кўлдан юзлаб тонна табиий асфальт олиниб ишлатилади. Лекин, ундаги суюқлик даражаси ҳеч камаймайди.

«ДАДАЖОН, МОТ БЎЛДИНГИЗ!..»

Германия Демократик Республикасидаги Штёбек шаҳарчасини шахматчилар шаҳарчаси деб бежиз айтишмайди. Бунинг боиси бор, албатта. Бу ерда кексаю ёш, эркаклару аёллар — ҳамма шахмат ўйнайди. Мактабларда бошқа умумтаълим дарслари қатори шахмат ўйини курси бўйича дарс ўтилади. Штёбекликларнинг шахматга бўлган ишқибозлигининг моддий томонлари ҳам бор.

Ўйланмоқчи бўлган йигит аввало қизнинг ота-онасидан бунга ижозат сўрашди илгари уй соҳиби билан шахмат тахтачаси устида «жанг» қилиши шарт. Агар куёв бўлмиш бўлажак қайнотасини мот қилса, бу билан қизнинг отасини хафа қилмаган бўлади, аксинча унинг ўзига нисбатан мойиллигига эришади. Шахмат тахтасидаги бу муваффақияти билан ғалавий ҳаётда ҳақиқий гроссмейстер бўлишини намойиш этади. Агарда йигит шахматда ютқазиб қўйса никоҳ маросимини кечиктиришга тўғри келади.

ВЕТЕРИНАРЛАРНИНГ ЯНГИ КАСБИ

Испания ветеринарлари янги касб — дантистликни ўзлаштиришяпти. Мадрид университетининг тадқиқотчилари тишлари ёмон бўлган сигирларга зангламайдиган пўлатдан ишланган тиш протезлари қўйишди. Бундан улар кутилганидан ҳам зиёда самарага эришдилар. Сигирлар протез туфайли ем-хашакни яхши ҳазм қиладиган бўлди, оқибатда уларнинг иштаҳаси очилиб кетди. Бу эса ўз навбатида сигирлар сутининг кўпайишига олиб келди.

Редактор Н. НАСИМОВ.

Реклама ва эълонлар

ЮТУҚЛИ ОМОНАТ— ОМОНАТ КАССАЛАРИГА

Ғазалкент шаҳрида 7 апрелда ўтказилган 81-ютуқлар тиражининг

РАСМИИ ЖАДВАЛИ

Ўзбекистон ССРнинг ҳамма омонат кассаларида сақланаётган ютуқли омонатларнинг қуйидаги счёт номерларига ютуқлар чиқди.

Счет номерлари	Ютуқ миқдори (ўртача омонат суммасига нисбатан процент ҳисобида)	Счёт номерлари	Ютуқ миқдори (ўртача омонат суммасига нисбатан процент ҳисобида)
А-34	25%	А-538	50%
А-71	25%	А-587	25%
А-95	25%	А-632	25%
А-127	200%	А-676	25%
А-172	25%	А-684	25%
А-228	25%	А-735	25%
А-249	25%	А-790	100%
А-305	25%	А-803	25%
А-355	25%	А-867	25%
А-372	25%	А-899	25%
А-418	25%	А-937	100%
А-448	25%	А-970	50%
А-480	25%		

Омонат кассалардаги счет номерлари 1000 дан ортиқ бўлса, сўнгги мингларда ҳам биринчи мингликда чиққан счет номерларига ютуқ чиққан. Масалан, 1034, 2034, 3034 ва ҳоказо; 1071, 2071, 3071 ва ҳоказо; 1095, 2095, 3095 ва ҳоказо.

Тираж комиссиясининг раиси — Р. С. НУРТОЕВ. Тираж комиссиясининг масъул секретари — М. ЙЎЛДОШЕВА.

МАРКАЗИЙ «ЮБИЛЕЙ» СПОРТ ЗАЛИДА

22—24 апрель кунлари «МАГНЕТИК БЕНД» ГРУППАСИНИНГ

ГАСТРОЛЛАРИ

Бадиий раҳбар — Гунар ГРАБС.

22 апрелда соат 20.00 да.

23 апрелда соат 17 ва 20.00 да.

24 апрелда соат 14, 17 ва 20.00 да бошланади.

Касса ҳар куни соат 10 дан 20.00 гача ишлайди.

Коллектив бўлиб келиш учун заявкалар қабул қилинмоқда.

Справкалар олиш учун телефонлар: касса — 46-03-12, администратор — 46-07-53, 46-68-77.

АҲОЛИНИ ИШГА ЖОЙЛАШТИРИШ БЮРОСИ

ИШГА ТАКЛИФ ҚИЛАДИ

КУЙБИШЕВ РАЙОНИДАГИ САНОАТ КОРХОНАЛАРИГА

кабель бронировкачилари, вальцовкачилар: иссиқ прокат металл, сим; қуювчилар, кабель буюмларни изолировка қилувчилар ва ўровчилар, саноат ускуналари ремонти бўйича слесарлар, электрчилар, кабелларни синовчилар, юкчилар, ўқчилар.

Ёлғиз кишилар ётоқхона билан таъминланадилар.

ФРУНЗЕ РАЙОНИДАГИ ТАШКИЛОТЛАРГА

бухгалтер-ревизор, энергетика хизмати катта инженери ва инженери, автоматика ва контроль-ўлчов асбоблари хизмати инженери, автоматика ва контроль-ўлчов асбоблари мастери, ишлаб чиқариш техника бўлими инженери.

ЛЕНИН РАЙОНИДАГИ САНОАТ КОРХОНАЛАРИГА

совуқ ичимликларни ва мороженоени сотиш бўйича майда чакана савдо тармоғи сотувчилари.

ОКТЯБРЬ РАЙОНИДАГИ ЕНГИЛ САНОАТ КОРХОНАЛАРИГА

тўқувчилар, тикувчи-мотористклар, тўқувчилик ишлаб чиқариши мастерларининг ёрдамчилари.

СПРАВКАЛАР ВА ИШГА ЙЎЛЛАНМАЛАР ОЛИШ УЧУН ҚУЙИДАГИ АДРЕСЛАРГА МУРОЖААТ ҚИЛИНСИН:

Марказий пункт — Пролетар кўчаси, 4-уй, 3-подъезд, 5-хона.
Ленин район пункти — Т. Шевченко кўчаси, 64-уй.
Октябрь район пункти — У. Юсупов кўчаси, 3-уй.
Чилонзор район пункти — 2-квартал, 3-уй.
Фрунзе район пункти — Ш. Руставели кўчаси, 64-уй.
Ҳамза район пункти — М. Ҳасанова кўчаси, 3-уй.
Куйбишев район пункти — К. Маркс кўчаси, 59-уй.
Киров район пункти — Энгельс кўчаси, 48-уй.
С. Раҳимов район пункти — Қорасарой кўчаси, 270-уй.
Акмал Икромов район пункти — Чилонзор массиви, 22-квартал, 13-уй.
Сергели район пункти — 2-квартал, 69-уй.

СУДЬЯ МИНБАРИ

ЎХШАТМАСДАН УЧРАТМАС...

Уларнинг юриш-туришлари ва хулқ-атворлари ҳам «ўхшатмасдан ўучратмас» деган халқ нақлига ниҳоятда мос келади. Уч улфат ўрта мактабнинг еттинчи-саккизинчи синфигача аранг судралиб боришган, дугоналарнинг маълумоти ҳам номига «тўлиқсиз ўрта», Анжелла, Виталий ва Глеблар Тошкент трактор заводининг турли цехларида ишлашарди. Евгений Малахов ва Оксана Постоваялар иш жойининг эса тайини йўқ.

Уч ўртоқни эгри қўл дугоналар билан ким таништирди, қачон бунчалик апоқ-чапоқ бўлиб кетишди, ҳозир ҳеч ким айтолмайди. Бироқ дастлабки «базми жамшид»-даёқ Анжелла Азимова:

— «Кўнгил овловчилар»нинг иши ўнгидан келиши учун,— дея лиммо-лим қадаҳни кўтариб юборганди. Кўзларини лўқ қилиб унга тикилган Глеб Костилев ва Виталий Пугачевлар ҳам «маликанинг амри вожиб» дея «оппоқ» уришди. Кейин омад учун қайта-қайта қадаҳлар кўтарилди. Вақт алламаҳал бўлганида улфатчиликка зўр бераверіб тиллари калимага келмай қолгани учун Анжеллага «тила тилагингни» дея ғўлдирашди. Кўнгли пирожное тусашини эшитиб ярим кечаси бўлишига қарамай «топмаган номард» дея кўкракларига уриб чиқиб кетишганди. ЗЗ-ошхоналар трестига қарашли дўкон девори бузилиши, торт ва кассадаги 50 сўм пулнинг ўмарилиш тарихи ана шундай...

Бора-бора Анжелла дугонаси Оксана Постовая билан қаерда учрашса улфатлар ҳам осмондан тушгандай ўша ерда ўзиру нозир бўладиган бўлиб қолишди. Четдан қараганда қизларнинг кўнглини овлаш билан машғулйигитлар, бўлажак қайлиқларни билан кўришишга шошилган дугоналарнинг бутун вужудини ягона фикр қамраб олган эди: «Бугун қайси хонадонга кириб, нимани ўмарсак, сўнг қаерда базм қурсак?».

Г. Костилев ва В. Пугачев «Салом» кафесидан турли масаллиқ ва пул, «Юность» кафесидан эса бир неча яшик спиртли ичимликлар ўғирлаб Азимованинг квартирасида зиёфатлар беришди. Оксананинг йўлланмаси билан эса Луначарское шоссесидаги 28-уйнинг 55-квартирасини шиппшидон қилишди. Пул ва тилла буюмлар қидириб нечоқ билан мебель-кроватлар ва бошқа буюмларнинг аврластарини ағдаришди.

Дугоналар бўш келишмади. Ўғриликда устаси фаранг Анжелла ўз қариндошларидан Р. Габитовани қон қақшатди. Дугонаси хонадон кенжасини гапга солиб турганида гилам-поёндоз, бир неча кийимлик мато ва жун рўмолларни пастга ирғитди. Кейин ўша куниёқ уларни пуллаб юборди.

Эгри йўллар билан топилган ҳаром-ҳариш пуллар эвазига кайф-сафодан бўшамаган улфатларнинг хурмача қилиқлари бу билан кифояланмади. Маст-аласт бўлиб уззу-кун қўни-қўшниларнинг оромини бузишди. Г. Костилев ва Е. Малаховлар 1982 йилнинг ёзида Н. Никитин, В. Баранов ва орага тушган бошқа кишиларни уриб тан жароҳати етказдилар.

Чакки қадам босганнинг ҳоли охир-оқибатда вой бўлади. Тергов органларининг машаққатли изланишлари натижасида қинғир йўлда тил бириктирган кимсаларнинг ҳамма кирдикорлари фош қилинди ва улар қилмишларига яраша жазоландилар.

М. МИРЗУФАРОВ, Куйбишев район халқ судьяси.

СПОРТ

КЕЧИКТИРИЛГАН УЙИНЛАР. ҒАЛАБА ВА МАҒЛУБИЯТ

● ШАХМАТ бўйича мамлакат 50-чемпионати қатнашчилари кеча дам олдилар. Кечиктирилган ўйинларнинг кўплигидан ва айрим қатнашчиларнинг бетоблигидан ҳануз олти тур учрашувларига узил-кесил якун ясалгани йўқ.

Чемпионатда республикамиз спорт шарафини ҳимоя қилаётган тошкентлик Георгий Аъзамов кечиктирилган ўйинларини давом эттирди. У дастлаб тажрибали шахматчи Тукмаковни мағлуб этди. Сўнгра эса Л. Полугаевскийга ютқазиб қўйди.

Шундай қилиб халқаро мастер Г. Аъзамов тўрт учрашув ўтказиб унинг иккитасида ғалаба қозонди, бир учрашувни дуранг қилди, бир партияда мағлубиятга учради.

ФУТБОЛ МАЙДОНЛАРИДА

● ОЛИЙ ЛИГА. «Пахтакор» мамлакат чемпионатининг тўртинчи турида Днепропетровск шаҳрида маҳаллий «Днепр» командасига қарши майдонга тушди. Ўйин тенг кураш остида ўтди. Лекин омад майдон эгаларига кулиб боқди. Дастлаб «Днепр» ҳужумчиси Устимчик ҳисобни очди. Орадан кўп ўтмай «Пахтакор»чи Амриев вазиятни тенглаштирди. Ўйин тугашига саноқли минутлар қолганда Лютий ўз командасини олдинга олиб чиқди.

Шу турнинг қолган ўйинларида қуйидаги натижалар қайд этилди: «Торпедо» (М) — «Торпедо» (Кт) — 4:1, «Жалъгирис» — «Нефтчи» — 1:0, «Динамо» (Мн) — «Динамо» (Тб) — 1:0, «Шахтёр» — «Зенит» — 0:0, «Черноморец» — «Спартак» — 1:0, «Нистру» — «Динамо» (М) — 0:3.

● ИККИНЧИ ЛИГА. Еттинчи зона командалари мамлакат чемпионатининг навбатдаги турини якшанба куни ўтказишди. Учрашувлар қуйидаги натижалар билан тугади: «ЦОР — «Олга» — 0:2, «Автомобилист» — «Янгиер» — 3:0, «Пахтакор» — «Соҳибкор» — 0:0, «Нефтянник» — «Хўжанд» — 2:0, «Олой» — «Ёшлик» — 0:1, «Старт» — «Шаҳрихончи» — 1:0, «Динамо» — «Бешкент» — 3:0, «Зарафшон» — «Хисор» — 2:2, «Амударё» — «Хива» — 1:0, «Наримоновчи» — «Хоразм» — 3:1.

ГАИ БЮЛЛЕТЕНИ

КАЙФ БИЛАН РУЛДА

ОЛМАЛИҚ. Давлат номери А 68-35 ТН бўлган «ВАЗ-2106» автомашинаси ҳайдовчиси Илҳом Иноятов маст ҳолда рулга ўтириш ёмон оқибатларга олиб келишини яхши биларди. Шундай бўлсада, у ичиб машина ҳайдади. Шаҳардаги «Космос» кинотеатридан автостанция томон олиб борувчи йўл бўйлаб катта тезликда ҳаракатланаётганда 12-болалар боғчаси ходими Светлана Кимни машинаси билан уриб юборди. Оғир жароҳатланган йўловчи касалхонага ётқизилди.

АНГРЕН. Ғира-ширада Анатолий Баринов ҳам «қиттак»кина отиб олгач, Ширизов кўчаси бўйлаб борар эди. Ангрен автобус-таксомотор парки шофёри Олимжон Маҳкамов қаровсиз қолдирган 06-66 ТШС «ПАЗ-672» маркали автобусни кўрди-ю, сайрни машинада давом эттирмоқчи бўлди. Бироқ бу «саёҳат» 14-кварталдаги 11-уй яқинидаги гараж биноси олдида ниҳоясига етди. Автобус деворга келиб урилди. Ширакайф саёҳатчининг иши тергов органларига топширилди. Шофёр О. Маҳкамов эса маъмурий йўл билан жазоланди.

ЧИРЧИҚ. Коммунистик районидаги «Ўзбекистон» колхозида бригада бошлиғи ёрдамчиси бўлиб ишлаётган Виктор Югай ҳам ичиб машина бошқаришда бошқа тартиббузарлардан қолишмади. Ярим тунда 53—50 ТШН номерли «Жигули»сини ҳайдаб бораётиб Ленин кўчасидаги 105-уй олдида турган автомобиль билан тўқнашиб кетди. Натижада унинг ҳамроҳи Наталья Кимнинг ҳаёти хавф остида қолди.

27 март куни бўлган иккинчи бир кўнгилсиз ҳодисанинг айбдори — Май посёлкасида яшайдиган Михаил Куносдир. У кечки пайт Фестиваль кўчасидаги 34-уй қаршисида тезликни ҳаддан ташқари ошириб юборганлиги оқибатида ИЖ-Ю—2 маркали мотоциклини бошқара олмай қолди. ГАИ ходимлари томонидан унинг йўлга чиқиш олдидан спиртли ичимлик истеъмол қилганлиги ва мотоциклига ҳали номер олмаганлиги аниқланди.

ОБЛАСТЬ ИЧКИ ИШЛАР БОШҚАРМАСИНИНГ ДАВЛАТ АВТОМОБИЛЬ ИНСПЕКЦИЯСИ.

БИЗНИНГ ИЗОҲ: Маст ҳолда рулга ўтириш фақат ҳайдовчигагина эмас, бошқаларга ҳам ташвиш ва кулфат келтирмоқда. Албатта, йўл ҳаракати қоидаларини бузиб, аварияга йўл қўйган ҳайдовчилар тегишли жазо оладилар. Бироқ кейинги пушаймоннинг, ортиқча «оҳ-воҳ»ларнинг фойдаси йўқ. Аксинча, фалокатнинг олдини ўз вақтида ола билиш лозим. Ҳар бир ҳайдовчи рулга ўтириш олдидан фақат ўз манфаатинигина эмас, бошқаларнинг ҳам ҳаётини ўйлаб кўриши даркор. Бу шубҳасиз, кутилмаган бахтсиз ҳодисаларнинг рўй бермаслигига олиб келади.

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

БУГУН

МТ-I. 9.00 — «Время». 9.40— Болалар учун фильм. 10.05 — Подмосковье ҳаваскорлик цирк коллективларининг чиқиши. 10.35 — «Оқ шомон». Телевизион бадиий фильм. 1-серия. 11.45 — Телевизион илмий-оммабоп фильм. 12.45 ва 15.00 — Янгиликлар. 15.15 — Ҳужжатли фильмлар. 16.15 — Болалар учун фильм. «Афсона шундай бошланган». 17.15 — «Мухбирларимиз ҳикоя қиладилар». 17.45— Кубань Давлат казаклар концерти. 18.15 — «Биз БАМни қуряпмиз». 18.45 — «Спорт ҳафталиги». 19.15— «Дунё воқеалари». 19.30 — «Инсон, Ер, Коинот». 20.15 — «Оқ шомон». Телевизион бадиий фильм. 2-серия. 21.30 — «Время». 22.05 — Космонавтларнинг санъат арбоблари билан учрашуви. 00.10 — «Дунё воқеалари».

МТ-II. 9.00 — Эрталабки гимнастика. 9.15 — Телевизион ҳужжатли фильм. 9.35 — ва 10.35 — Тарих. 10.05 ва 14.05— Француз тили. 11.05 — Эстетик тарбия. 11.35 ва 12.40 — География. 12.05 — «Шахмат мактаби». 13.10 — Одам анатомияси, физиологияси ва гигиенаси. 13.40 — Зоология. 14.35 — 20—30-йиллар совет манзарали живописи. 15.05 — Сенинг ленинча кутубхонанг. 15.35 — В. С. Вишневский — коммунист-ёзувчи. 16.25 ва 18.30 — Янгиликлар. 18.50 — «Тоғли ўлка». Ҳужжатли фильм. 19.00 — «Қишлоқ янгиликлари». 20.00 — «Камалак». 20.30 — «Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар». 20.45 — «Ҳамдўстлик» телевизион журнали. 21.15 — «Городецк ўйинчоқлари». Телевизион ҳужжатли фильм. 21.30 — «Время». 22.05 — «Истеъдод». Телевизион бадиий фильм.

Ўз ТВ-I. 17.40 — «Ассалом, космос!». 18.40 — «Сўз кетидан сўз келар». 19.00 — «Космонавт Владимир Жонибеков». Ҳужжатли фильм. 19.30 — «Ахборот». 19.45 — «Янгийўл тажрибаси». 20.00 — Демьян Бедний туғилган куннинг 100 йиллигига. 20.30 — «Ахборот». 20.50 — «Аёл қалби наволари». Музикали программа. 21.30 — «Время». 22.05 —«Сув ва ҳосил». 22.30 — «Қанотлар ҳақида достон». Бадиий фильм. 2-серия. 23.55 — Янгиликлар.

ЎзТВ-II. 18.10 — Физика. 19.10 — Болалар учун фильм. «Мен ўйнагани кетдим». 19.40 — Ҳужжатли фильм. 20.00 — Янгиликлар. 20.20 — Эстетика асослари. 21.00 — «Келажак билан юзма-юз». Телевизион фильм. 21.30 — МТ II.

ТЕАТР

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 12/IV да Келинлар кўзголони, 13/IV да Нодирабегим.

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 13/IV да Ишонмасанг ўламан.

БИЗНИНГ АДРЕС: 700000. Тошкент — П. ЛЕНИН кўчаси, 41

Телефонлар: редактор ўринбосарлари — 335885, 325747, 337916, 325748; масъул секретарь — 334808, 325353; секретариат 325750. БЎЛИМЛАР: хатлар ва оммавий ишлар; фельетонлар — 334048, 325354; партия турмуши — 325778; пропаганда 325645; саноат, капитал қурилиш ва транспорт — 325749; қишлоқ хўжалиги — 325647; адабиёт ва санъат — 325767; Совет қурилиши — 325645; ахборот, спорт ва ҳарбий ватанпарварлик — 325733; фан, маданият ва олий ўқув юртлари — 325553; фотомухбир — 325894.

Р. 06179. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. Тошкент шаҳри. ИНДЕКС: 64684. Б. 1576. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12 13 14